ФОШ ҚИЛИНДИ

Ватан омборлари донга тўлмоқда. Аммо эл ризқига кўз олайтириб, дон хирмонларидан ўғринча ўпираётган нопок кимсалар ҳам йўқ эмас.

2 - БЕТ

ЯХШИЯМКИ ҚОНУН БОР...

«... Сиз ҳалол меҳнат қилиб, нон топишни истаяпсизми, бунга тўсиқ бўлиши мумкин эмас. Қонун Сизни қўллаб-қувватлайди».

3 - БЕТ

ПАДАРКУШ

... 83 ёшли ота ҳам ҳали ўғилларидан қолишмайди... Балки юзинчи, балки мингинчи марта вино тўла пиёлаларни ўз ўғиллари билан чўқиштириб, сипқораётган отанинг куни битган эди.

6 - БЕТ

ЖАЗМАННИ ЖАЗАВАГА СОЛГАН ЖОЗИБА

Малакали терговдан намуналар

7 - БЕТ

Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

2000 йил, 12-18 июль, № 27 (143)

МУСТАҚИЛЛИК **ҲУҚУҚ** ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ҲАМКОРЛИК

ФАОЛ ВА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ғайриқонуний диний ташкилотлар тузиш ва экстремизм, терроризм ғояларини тарғиб қилиш ва тарқатишга қарши курашни кучайтириш ҳақидаги топшириқлари асосида Тошкент шаҳар прокуратураси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда амалий Дастур ишлаб чиқиб, унинг ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Дастурга мувофиқ маҳаллий ҳокимият вакиллари, дин уламолари, маориф ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари ходимларини жалб қилган ҳолда маҳаллаларда, ўрта таълим мактабларида, меҳнат жамоаларида одамлар билан доимий учрашувлар ташкил этилмоқда. Эътиборли жойи шундаки, бу учрашувлар жонли мулоқот тарзида бўлаяпти. Тегишли ҳудудда содир бўлаётган қонунбузарликлар ва уларни келтириб чиқараётган сабаблар рўй-рост ўртага ташланиб, муҳокама қилинмоқда, саволларга аниқ жавоблар изланиб, муҳокамада қатнашган иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинган ҳолда келажакда қилиниши лозим бўлган зарур тадбирлар белгиланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХАТЛАР БЎЛИМИДАН

ЯХШИЯМКИ ҚОНУН БОР...

Қувонч ва ташвишдан иборат бу ҳаётда инсон ўз қувончига шерик бўладиганларни тез топа олади. Бироқ бошига ташвиш тушгандачи? Киши қайси эшикка бош уришини билмай қолади. Идорама-идора сарсон-саргардон юрган фуқаро умидсиз, ишончсиз, сўнгги илинж билан ахийри ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларининг эшигини қоқади. Агар бу масканда диёнатли, элпарвар, ўз касбини севган ходимга дуч келса, ҳаётга, адолатга бўлган ишончи қайта тирилади.

Таҳририятимизга келаётган миннатдорчилик хатларини кўздан кечирганимизда прокуратура ходимларининг саъй-ҳаракати билан ҳақ-ҳуқуқи тикланиб, яшаш, меҳнат қилиш иштиёқи қайтарилган инсонлар каби биз ҳам мамнун бўламиз.

(Давоми 3-бетда)

МУЛОҲАЗА

ҚАЛБАКИ ДИПЛОМЛИ ЎҚИТУВЧИ

КАР, КЎР, ГУНГ ЗАМИНДАГИНА БЕМАЛОЛ ИШЛАЙДИ

«Билмадим, кўрмадим, эшитмадим» деган ҳар томонлама қулай, беозор, беғалва, зар қобиққа ўралиб олган фуқаролар ўз ўғил-қизларининг келажагига зомин бўлаётганларини ўйлаб кўришганмиди? Бошланғич синфларда, тўрт йил мобайнида болаларга «сабоқ» берган саводсиз бошланғич таълим ўқитувчисининг «акс таъсири» бир умрга татигулигини англаб олиш учун дипломли бўлиш шарт эмас-ку! Бешинчи синфга кўчганда ҳам исми шарифини бехато ёзолмайдиган, каррани ёд билмайдиган ўқувчи бундан кейинги мураккаброқ фанларни қандай «ўзлаштириши»ни тасаввур қилиш қийин эмас.

(Давоми 5-бетда)

АНОНС

ТЕЛЕГУРУҲ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси бирлашган таҳририяти қошида телегуруҳ фаолият кўрсата бошлади. Уни ташкил этишдан асосий мақсад, Республика прокуратураси идоралари томонидан қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритишдир. Телегуруҳ томонидан тайёрланган «Қонун ҳимоясида» деб номланган биринчи кўрсатув 17 июл, душанба куни ЎЗ ТВ 1-кечки дастурида намойиш этилади. Биринчи кўрсатувда ғалла ўрим-йиғимининг бориши, матбуот ва прокуратура ҳамкорлиги, фуқароларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими фаолияти, қотиллик жиноятини очишда Сирдарё вилояти прокуратураси ходимларининг тезкор ишлари ҳамда криминалист прокурорларнинг янги техника воситалари билан таъминланганлиги ҳақида сўз юритилади.



Данагидан мағзи ширин.

«ҲУҚУҚ»
юридик газета

Таъсисчилар:
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Бош муҳаррир:
А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Мэлс Наимов, Ботир Пўлатов, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Комилжон Исмоилов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Лола Шомуродова, Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот қўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Газетада босилган факт ва далиллар учун муаллиф масъул. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар ** белгиси остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят компьютер марказида Pentium-II MMX - 333 компьютерида саҳифаланди.

Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.Саидов бажарди.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида офсет усулида А-3 форматда чоп этилган.
Корхона манзили: *Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.*

Буюртма Г - 652
Нусхаси — 11613

Босмахонага топшириш вақти 20.00
Босмахонага топширилди 20.00

Газета ҳафтанинг чоршанба кунлари чиқади

Навбатчи Н.МАҲМУДОВ

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

ҲАМКОРЛИК

ФАОЛ ВА ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛАЙЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Учрашув қатнашчиларининг прокуратура идораларининг диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш борасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги фикрлари билан қизиқиб кўрилганда, фуқаролар бу тадбирларнинг самараси яққол кўринаётганлигини айтишди. Хусусан, бундай учрашувлардан сўнг улар жамиятимиз манфаатларига мос келмайдиган ақидапарастлик ҳақида аниқ, равшан тасаввурга эга бўлаётганликларини ва бу каби тадбирларнинг кўпроқ ўтказилиши фақат фойдали эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Амалдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 12 ва 13-моддаларига мувофиқ ўзини-ўзи бошқариш органи (фуқаролар йиғини кенгаши) ва оқсоқолларнинг ваколатларига жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни тегишли органлар билан биргаликда амалга ошириш, илгари судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатиши ва диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг олдини олишга доир ишларни уюштириш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш каби вазифалар ҳам киритилган.

Шаҳар ҳудудидаги аксарият маҳалла қўмиталарининг фаоллари ўз ҳудудларида диний экстремистик оқимларга аъзо бўлган шахсларни, шунингдек тушуниб етмаслик оқибатида шу оқим пешволари ташкил қилган ўқув машғулотларида қатнашаётган фуқароларни аниқлаш, улар билан қайта тарбиявий тушунтириш ишлари олиб боришда прокуратура ва ички ишлар идоралари ходимларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Кўрилган тадбирлар ва маҳалла оқсоқолларининг фаоллиги натижасида шу йилнинг 6 ойи мобайнида Юнусобод туманининг Дўстлик, Жарлик, Гулистон, Қозоқбоев, Шарқ ҳақиқати, Г.Умарова маҳаллаларида, Шайхонтохур тумани Кохота, Сузукота, Чилонзор туманининг 2-Қатортол, Шарқ тонги, Ҳамза туманининг Бешбола, Худойбердиев, Нодира, Акмал Икромов туманининг Фурқат, Тожиев, Ҳамза, Журжоний, Ғафур Ғулом, Қозигузар, Шарқ гули, Бектемир туманининг Мажнунтол маҳаллалари ҳудудларида ғайриқонуний ташвиқотларда қатнашаётган фуқаролар ўз вақтида аниқланиб, содир этилиши мумкин бўлган қонунбузилишларнинг олди олинди.

Бироқ, аҳволни ўрганиш, шуни кўрсатмоқдаки, ишни талаб даражасида ташкил эта олмаганликлари оқибатида дин ниқоби остида фуқароларни, айниқса, ёшларни экстремизм ва ақидапарастлик ғоялари билан заҳарловчи кимсаларнинг фаолияти назоратдан четда қолмоқда, уларни фош этишга қаратилган зарур тадбирларни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширишга ҳаракат қилинмаяпти.

Жумладан, Акмал Икромов туманининг Пахтакор маҳалласида маҳалла фаолларининг лоқайдлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан алоқалари йўқлиги, қисқа қилиб айтганда, ҳаракатсизлиги оқибатида ўнлаб кимсалар ноқонуний диний таълим бериш билан шуғулланиб, бундай қонунсиз ишларга ёшларни ҳам жалб қилиб келганлар. Улар фаолиятига фақат прокуратура ва ички ишлар идораларининг текширувидан сўнггина чек қўйилган. Худди шундай лоқайдлик оқибатида ушбу туманнинг Бешқайрағоч, Оқтепа, Аброр Ҳидоятов, Шароф Рашидов ва Фурқат маҳаллаларида, Шайхонтохур туманининг Янгиобод, Шоислом Шоюсупов, Зангиота ва Самарқанд маҳаллаларида, Миробод туманининг Олтинкўл, Мирзо Улуғбек туманининг Уйзор, Юғнакий, Наврўз, Файзулла Хўжаев, Юнусобод туманининг Ўзбекистон Мустақиллиги, Чоштепа, Яккасарой туманининг Яккасарой-1, Яккасарой-2, Тўқимачи, Конституция, Чилонзор туманининг Бўстон, Дўмбиробод, Гулистон, Қозиробод, 1-Чор камолон, Бектемир туманининг Абай, Роҳат, Миришкор, Зилола, Собир Раҳимов туманининг Алон, Қорасарой, Қўштут, Сирғали туманининг Ўзгариш, Чоштепа, Наврўз маҳаллаларида айрим шахслар диний экстремистик таълимот олиш ва зарарли ғояларни тарғиб қилиш билан шуғулланиб келганлар.

Маҳалла оқсоқолларининг бу йўналишда олиб бораётган ишлари атрофлича ўрганилганда аҳволқониқарсиз эканлиги, диний экстремистик оқимга мойил бўлган шахсларнинг рўйхатлари тузилмаганлиги, бир-иккита йиғилиш баённомалари фақат расмиятчилик учунгина тузиб қўйилганлиги, тушунтириш ва огоҳлантириш ишлари олиб борилмаганлиги маълум бўлди.

Мирзо Улуғбек тумани Бўз маҳалла қўмитаси раиси Ш.Мирзаев 1989 йилдан бери ушбу лавозимда ишлаб келгани ҳолда, маҳаллада жиноят содир этган ва ҳуқуқбузарликка мойил бўлган фуқаролар тўғрисида умуман маълумотга эга бўлмаган, очиқроқ айтганда, бу масалалар билан шуғулланишни ўзига эп кўрмаган.

Собир Раҳимов тумани Аҳил (маҳалла қўмитаси раиси З.Қурбонов), Гузарбоши (Т.Эргашев), Қўштут (О.Мирзаев), Қорасарой (М.Абдуллаев), Беруний майдони (О.Низомов), Сирғали тумани Дўстлик (Р.Примов), Нўғойқўрғон (Н.Бобоев), Оқибат (О.Султонқулов), Ҳамза тумани Авиасозлар (И.Худойберганов), Маҳмур (А.Умаров), Юнусобод тумани Бободеҳқон (А.Исломов), Беруний (Т.Каримов), Яккасарой тумани Қушбеги (А.Абдувосиқов) маҳалла қўмиталари оқсоқоллари ҳам худди шундай лоқайдликка йўл қўйиб келганликлари аниқланиб, ушбу туманлар прокурорлари томонидан улар интизомий жавобгарликка тортилдилар. Туман прокурорларининг иш юзасидан чиқарган қарорларига асосланган ҳолда 11 нафар маҳалла оқсоқоли ўз вазифасидан озод этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш тўғрисида»ги қарори билан маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш идораларига ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда аҳоли яшайдиган турар жой биноларидаги барча хонадонлар, маъмурий, ишлаб чиқариш ва бошқа муҳим иншоотларни текшириб бориш юклатилган. Шаҳарда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, айрим маҳаллаларда ушбу қарор тўлиғича бажарилмаётганлиги аён бўлиб қолаяпти.

Кўпгина ҳолларда бошқа юртлардан ҳамда республикамиз вилоятларидан ишлаш учун пойтахтга келган фуқаролар маҳалла ҳудудида рўйхатдан ўтмасдан, паспорт тизими қоидаларини бузган ҳолда яшаётган бўлсалар-да, маҳалла раҳбарлари бундай қонунбузарларга чора кўрмай, «томошабин» бўлиб туришдан нарига ўтмаганлар.

Шайхонтоҳур тумани Гулбозор маҳалласида 1714 та фуқаро паспорт рўйхатидан ўтказилган, лекин ҳақиқатда эса маҳаллада 1312 та фуқаро истиқомат қилмоқда. 402 та фуқаронинг яшаш жойи ва машғулоти тўғрисида маҳалла оқсоқолида умуман маълумотлар йўқ. Бундан ташқари бу маҳаллада 25 та фуқаро ноқонуний тарзда ижарада турганлиги аниқланган бўлса-да, маҳалла оқсоқоли Бузруков ва участка нозири Холматов томонидан ҳуқуқбузарларга нисбатан умуман чора кўрилмаган.

Ички ишлар идораларининг айрим участка нозирлари диний экстремизмга мойил бўлган шахслар ҳақида махсус йиғма жилдлар юритишга ҳафсала қилишмаган. Уларнинг маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб боришга бўлган интилиши сезилмаяпти.

Жумладан, Акмал Икромов туманининг Пахтакор маҳалласида диний экстремистик оқимларга аъзо бўлган шахслардан бир нечтаси аниқланиб, рўйхатга олинган бўлсада, ички ишлар бўлимини профилактика нозири О. Юсупбековнинг ўз вазифасига масъулиятсизлиги оқибатида улардан 11 нафарига махсус йиғма жилд очилган, холос, қолганлари эса назоратдан четда қолиб, деярли ҳеч қандай суриштирув ишлари олиб борилмаган.

Шайхонтоҳур тумани Ибн Сино маҳалласи участка нозири С. Суяров ўз хизмат вазифаларини бажаришга виждонсизларча муносабатда бўлиб, ҳудудда диний экстремизмга қарши курашни қонун талаблари даражасида ташкил этмаган, маҳаллада истиқомат қилувчи диний экстремизмга мойил бўлган шахслар билан профилактика ишларини олиб бормаган. Юнусобод тумани ИИБ профилактика катта нозири Ж. Суяров, профилактика нозири Р. Галеев, Яккасарой тумани ИИБ профилактика нозирлари П. Қурбонов ва Н. Одиловлар бу йўналишда маҳалла оқсоқоллари билан мувофиқлаштириш ишларини олиб бормаганлиги учун интизомий жазога тортилдилар.

Ачинарлиси шундаки, шаҳар прокуратурасининг аралашувига қадар на маҳалла оқсоқоллари ва на участка нозирлари томонидан ўз ҳудудларида рўйхатда турган, лекин яшамаётган ва республикадан ташқарига чиқиб кетаётган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилмаган, бу ҳақда тегишли тартибда ички ишлар идораларига маълум қилинмаган.

Шаҳар прокуратурасининг ташаббуси билан ички ишлар идораларининг участка нозирлари, маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш идораларининг диний экстремизмга қарши курашга қаратилган қонунларни ижро этиш амалиёти ўрганилиб, уларнинг натижалари шаҳар ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларининг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши мажлисида муҳокама қилинди. Кенгашда айбдор раҳбарларга қаттиқ қонуний жазо чоралари кўрилди, қўшимча тадбирлар белгиланиб, ижроси доимий назоратга олинди.

М. НАИМОВ,
Тошкент шаҳар прокурори,
3-даражали Давлат
адлия маслаҳатчиси

ҒАЛЛА — 2000

ФОШ ҚИЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш прокуратура идораларининг ҳам долзарб вазифаси бўлиб қолди.

Бугунги кунда ҳалол ва фидойи одамлар меҳнати эвазига Ватан омборлари донга тўлмоқда. Аммо эл ризқига кўз олайтириб, дон хирмонларидан ўғринча ўпираётган нопок кимсалар ҳам йўқ эмас.

Қизириқ туман прокуратураси томонидан тегишли мутахассислар жалб қилинган ҳолда ўтказилган рейд жараёнида Х.Эшонов номли жамоа хўжалигининг 1-бўлими пудратчиси А.Аноровнинг ножўя ишлари фош этилди. У ўз даласига ўримга келган комбайн ҳайдовчиси Ҳасан Рўзиев билан ўзаро тил бириктириб, 17470 килограмм буғдойни ўз уйига тўктирган вақтда қўлга тушди.

2 июнь куни Қумқўрғон туманининг «Беш қахрамон» жамоа хўжалиги 3-бўлимидаги «Олтин бошоқ» дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси қоровуллари Ш.Шодиев, А.Норбоевлар ўзларига ишониб топширилган ва ўзганинг мулки ҳисобланган 800 килограмм буғдойни Ч.Қурбоновга сотиб, хиёнат қилдилар.

Бандихон туман прокуратураси томонидан ўтказилган рейдда «Пахтакор» кооператив ширкат хўжалиги таркибида фаолият кўрсатаётган пудратчи И.Остонқулов «хатга» тушди. У 5 июнь куни соат 12 лар чамасида 2150 килограмм буғдойни туман дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонасига топширмасдан ўзлаштириш мақсадида шу ширкатда яшовчи фуқаро Б.Мамаражабованинг уйига туширганда қўлга олинди.

4 июнь куни В.Қодиров номли жамоа хўжалиги омбор мудири П.Тўхташев иш жойини рухсатсиз ташлаб кетган. Бундан фойдаланган унинг акаси Э.Тўхташев 47-автокорхона ҳайдовчиси Ф.Сувонов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, тўрт тонна ғаллани 200 минг сўмга баҳолаб пулини олиб келиш шарти билан унга бериб юборади. Ф.Сувонов эса ўғирланган буғдойни таниши Ў.Хўжамуродовга 200 минг сўмга сотиб, пулини Э.Тўхташевга беради.

Юқорида аниқланган барча ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилди.

Прокуратура ходимлари ғалла сифатини таъминлаш бўйича ҳам назорат олиб бормоқдалар. Шеробод тумани прокуратураси ходимларининг аниқлашича, Э.Бердиев номли жамоа хўжалигида 16 тонна буғдой пишмасдан туриб ўрилганлиги учун ўз сифатини йўқотган. В.Қодиров номли жамоа хўжалигида 2 тонна буғдой ўта сифатсиз ҳолда хирмонга топширилган. «Таллашқон» жамоа хўжалигида ўрилган буғдойнинг намлиги 12,4 фоизни, Ў.Туропов номли жамоа хўжалигида 12 фоизни, У.Юсупов номли жамоа хўжалигида эса 16 фоизни ташкил этган. Бу хўжалик раҳбарларига баён этилган қонунбузилишларни зудлик билан бартараф этиш ҳақида амрномалар берилди.

М.ҚУРБОНОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси

ХАТЛАР БЎЛИМИДАН

ЯХШИЯМКИ ҚОНУН БОР...

(Давоми. Бошланиши 1- бетда)

— Мен Ғузор туманининг «Истиқлол» жамоа хўжалиги ҳудудида яшайман. Суягим далада қотган. Шу боис истиқлолнинг илк кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётганини англаб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга аҳд қилдим. Тез орада фермер хўжалиги ташкил этиб, 5 гектар ерда деҳқончилик қила бошладим. 1996 йилда «Пахтабанк»дан 270 минг сўм кредит олиб, чорвани ҳам ривожлантирдим. Ҳозирги пайтда 22 бош қорамолимиз бор. Ўтган йили аҳолига 3 тонна гўшт ва 2 тонна сут сотдик. Йил якунида қилган даромадимиз 3 миллион сўмдан ошди. «Пахтабанк»дан олган кредитларни аллақачон қайтарганмиз. Қўшимча ерга эҳтиёж туғилгач, тегишли идораларга яна 5 гектар ер сўраб мурожаат қилдим. Бироқ ер ололмадим. Масалага Ғузор тумани прокуратураси аралашгандан кейингина ўша ерни олишга муваффақ бўлдим.

Бу йил 8 гектар ердаги пахта ва 2 гектар ердаги ғалла экинларидан юқори ҳосил етиштириш режамиз бор. Ҳуллас, фермерлик фаолиятимдан мамнунман. Мен бир тадбиркор сифатида биз кабиларни қўллаб-қувватлаётган прокуратура ходимларига ташаккур билдираман.

Т.МУСТАЕВ, фермер.

— Мен бир неча йил Р.Раҳимов номли жамоа хўжалигида бригадирлик қилдим. Эсимни таниганимдан буён ҳаётим дала-дашт билан боғланган. Аёл бошим билан эртаданкечгача сув кечиб, пахта суғориб, зарурат туғилса, трактор ҳайдаб, тонгни тунга улаб ишлаганман. Қанча ишласам, шунча енгиллашаман, руҳим тетик бўлади. Етти фарзандимни кетмон ушлаб, ҳалол меҳнат билан катта қилдим. Бироқ хўжалик бошлиғи ўзгаргач, тинчимиз бузилди. Янги бошлиқ хотин-қизлар билан ишлашни ёқтирмас экан.

Бригадирликни турмуш ўртоғимга топширдим. У киши ғалла экдилар. Сувдан қисишди. Ғалла пуч бўлиб, бор-йўғи 28 центнер ҳосил олдик. У кишини ҳам ишдан бўшатишди. Ишсиз қолдик. Зовур гирдидан очиб олган еримизни ҳам тортиб олиб ҳақоратлашди.

Ноилож, чиқмаган жондан умид, деб туман прокурори Ж.Ҳайдаровга мурожаат қилдим. У киши «Сиз ҳалол меҳнат қилиб нон топишни истаяпсизми, бу борада тўсиқ бўлиши мумкин эмас. Қонун сизни қўллаб-қувватлайди. Биз боқимандаларга, яъни берсанг ейман, бермасанг ўламан, дейдиганларга қаршимиз», дедилар. Туман прокурори Ж.Ҳайдаров ва туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Ибрагимовлар ҳақ-ҳуқуқимизнинг тикланишига ёрдам беришди.

Мен оддий қишлоқ аёли қонун ҳимоячиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Яхшиямки , қонун бор, қонун ҳимоячилари бор.

Адолат ТУРСУНОВА,
Қарши туман Кожор қишлоғи.

***

Бундай хатларда прокуратура ходимлари олиб бораётган ишларнинг бир қатраси акс этган, холос. Ватан равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилаётган тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун шарт-шароитлар яратиш, уларга ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатиш ҳар бир ҳуқуқшуноснинг хизмат бурчидир.

Бироқ вилоятда тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилмаяпти, деб бўлмайди. Айрим тайёрлов корхоналари фермер хўжаликларининг давлатга топширган ғалла, пахта пулларини вақтида тўлашмаяпти. Уларга ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияларида ҳам қонун талаблари бузилган. Масалан, Чироқчи тумани пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ўтган йилда «Анвар» фермер хўжалигининг 400 минг, «Жаббор ота» фермер хўжалигининг 486 минг сўм, «Олтин дала» фермер хўжалигининг 650 минг сўм, «Шодмон бобо» фермер хўжалигининг 321 минг сўм пахта пулларини вақтида тўламаган. Фақат прокурор аралашувидан кейингина бу ҳолатларга барҳам берилди.

Тадбиркорларга ер бериш бўйича айрим мансабдор шахслар томонидан таъмагирлик қилиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Нишон туманидаги «Балхияк» жамоа-ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Ғафур Нормўминов жамоа-ширкат хўжалиги раиси Хайрулла Бердиевга ўзи эккан 2,30 гектар пиёз майдони учун ижара шартномаси тузишни таклиф этган. Хўжалик раиси эса 450 минг сўм пора беришни талаб қилган, акс ҳолда пиёз экилган ер майдонини ҳайдаб ташлаш, суғориш учун сув бермаслик билан таҳдид қилган.

Тадбиркор бу ҳақда вилоят прокуратурасига мурожаат қилгач, амалдор жиноят устида қўлга олиниб, таъмагирлиги учун қонун олдида жавоб берди.

Баъзан айрим мансабдор шахсларнинг асоссиз равишда кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашиш қоллари ҳам содир этилмоқда. Хусусан, Деҳқонобод тумани «Бошчорбоғ» жамоа-ширкат хўжалиги раҳбарияти (Н.Бобоев) томонидан «Бобоқул ота» хусусий фирмасига тегишли боғ фуқароларга бериб юборилганлиги тўғрисидаги низо вилоят судида кўрилиб, даъво қаноатлантирилди. Аммо суд қарори хўжалик раҳбарияти томонидан вақтида ижро этилмаган. Прокуратура хусусий корхона манфаатини ҳимоя қилгандан кейингина суд қарорининг ижроси таъминланди.

Ҳукуматимизнинг иқтисодий ислоҳотларга доир қарорларида тадбиркорлар фаолиятини асоссиз текширишларга чек қўйиш лозимлиги кўрсатилган бўлса-да, баъзи мутасадди шахсларга бу қарорлар мазмуни ҳали етиб бормаганлиги сезилиб қолмоқда. Масалан, Чироқчи туманидаги «Еттитом» ғалла уруғи тайёрлаш ва сақлаш корхонасида вилоят аудиторлик шўъбаси ходимлари томонидан рухсатсиз тафтиш ўтказилганлиги тўғрисида маълумот олинди ва бундай асоссиз текширувларга прокуратура идоралари томонидан чек қўйилди.

Ғузор тумани «Суннат» кичик корхонаси раҳбари Н.Маматовга 317 228 сўм зарарни тўламаганлиги факти бўйича ЖКнинг 232-моддасига биноан қўзғатилган хусусий аҳрим ва Ғузор тумани 9-Деҳқонқурилиш бошқармаси раҳбарларига нисбатан ЖКнинг 205-моддаси билан қўзғатилган жиноят ишлари асоссизлиги боис вилоят прокуратурасининг протестларига кўра судлов ҳайъатлари томонидан бекор қилинди.

Касби туманидаги «Ишонч» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи О.Ражабов яхши ниятлар билан иш бошлади. Лекин мақсадлари йўлида ўтиб бўлмас довонларга рўбарў келди. Дастлаб, жамоа хўжалигидан ер ололмади. Кейин, бу ҳам етмаганидай, фермер хўжалигини тугатиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиқарилди.

О.Ражабов ҳамма нарсадан умидини узди. Гўё барчаси тугагандек эди. Қонун-қоидани яхши билган кишиларнинг маслаҳатини олибми, ҳоким қарорини ҳақиқий эмас, деб топишларини сўраб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Ушбу даъво аризаси вилоят хўжалик судида кўрилиб, қисман қаноатлантирилди. Сўнг яна О.Ражабовнинг аппеляция шикоятига кўра судлов ҳайъати томонидан кўрилиб, Касби туман ҳокимлигига нисбатан хусусий аҳрим чиқарилди. Аммо бу мозаро ана шу аҳрим билан якун топмади. Даъвогар О.Ражабовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатиш тўғрисида аҳрим чиқарилди.

Фермернинг дарди бундан-да оғирлашди. Нажот истаб келган даргоҳидан гуноҳкор бўлиб чиқсая?! Ҳарқалай, О.Ражабовдан омад бутунлай юз ўгирмаган экан. Судлов ҳайъатининг даъвогарга нисбатан жиноят иши қўзғатиш ҳақида нотўғри аҳрим чиқарганлиги учун фермернинг манфаатини ҳимоя қилиб, вилоят прокуратураси томонидан кассация тартибида Олий хўжалик судига протест киритилди.

Протест Олий хўжалик судида атрофлича кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди. О.Ражабовга нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги аҳрим бекор қилинди.

Касби туман ҳокимлигида жорий йилнинг январь ойида фуқаро С.Аликулов, И.Эрдонов, А.Юнусов, Б.Каримов, М.Туропов ва бошқаларнинг фермер хўжалиги тузиш тўғрисидаги аризалари тегишлича рўйхатдан ўтказилмаган ва кўриб чиқилмаган. Мазкур аризалар юзасидан фуқароларга тушунтириш ўрнига уларни ҳал қилиш учун фермер хўжаликлари вакиллигига юборилган ва сансалорликка йўл қўйилган. Ушбу қонунбузарлик юзасидан Касби тумани прокурори томонидан ҳокимнинг биринчи ўринбосари Ҳ.Ўмоновга нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилган ва қонунбузарликка барҳам бериш тўғрисида туман ҳокимлигига тақдимнома киритилган.

Фермер хўжаликларига ер ажратишда қатор камчиликлар аниқланмоқда. Масалан, Қамаши туман ҳокимининг қарори билан «Тоғаймурод» фермер хўжалиги қайтадан рўйхатдан ўтказилиб, пахтачилик ва ғаллачилик бўйича фаолият кўрсатиш учун 6 гектар суғориладиган ер майдони ўн йил муддатга берилган. Ҳолбуки, камида ўн гектар ер ажратилиши лозим эди.

Косон туманида ташкил қилинган «Истиқлол», «Феруз» фермер хўжаликларига ер ажратиб берилмаган. Хўш, ерсиз хўжалик қандай иш юритсин?

Ғузор, Китоб, Қарши туманларидаги қатор фермер хўжаликларида ерни ижарага бериш юзасидан шартномалар тузилмаган. Текширишларда туман солиқ, ер тузиш ва бошқа идоралар томонидан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳуқуқларини поймол қилувчи ҳуқуқбузарликлар аниқланган.

Ғузор тумани ҳокимининг 2000 йил 3 февралдаги қарори билан «Дунё» деҳқон хўжалиги ташкил қилинган. Бироқ, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига зид равишда ушбу хўжаликка рўйхатдан ўтказиш учун туман солиқ инспекцияси томонидан 8750 сўм даромад солиғи, хусусийлаштириш бўлими 1750 сўм ва ер тузиш идораси томонидан 2500 сўм миқдорда йиғимлар олинган. Бу идоралардаги мутасаддилар ўзларини Қонуннинг «Деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилганлик йиғимини тўлашдан озод қилинади» деган қоидасини билмасликка олишган, шекилли? Бундай камчиликлар, қонунбузилишлар прокуратура ходимлари томонидан бартараф этилиб борилмоқда. Биз бу борада прокуратура томонидан олиб борилаётган ишларнинг айримларинигина қаламга олдик.

Дарҳақиқат, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигига оид қонун ва республика ҳукумати қарорларининг аниқ ижро этилишини таъминлаш жамиятимизни олға ҳаракатлантирувчи омилдир.

Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА,
журналист,
Қашқадарё вилояти.

МАДАДТАЛАБ МАКТУБ

УЙГА МУҲТОЖМИЗ

Ҳурматли таҳририят!

Биз кўриш бўйича 1 гуруҳ ногиронларимиз. Самарқанд шаҳар А.Икромов кўчаси, 36-уй, 33-квартирада яшаймиз. 1985 йилдан ҳозирга қадар Самарқанд шаҳар Темирйўл туман ҳокимиятида квартира олиш учун имтиёзли навбатда турибмиз. Бугунги кунда навбат бўйича 2-ўриндамиз. Яшаш шароитимиз оғир бўлганлиги сабабли шу йиллар давомида ёрдам беришларини сўраб тегишли ташкилотларга боришдан армонимиз қолмади. Чунки 36,5 кв. метр жойда биз эр-хотин, ўғлимиз Б.Шакаров (1972 йилда туғилган) ва унинг хотини ҳамда фарзандлари, ўғлимиз И.Шакаров (1975 йилда туғилган), қизимиз С.Шакарова (1980 йилда туғилган) бирга яшаймиз. Ҳолбуки, янги Уй-жой кодексининг 42-моддасида 1 кишининг яшаш жойи 16 кв. метр, айрим ногиронларга эса 23 кв. метр бўлиши керак, деб кўрсатилган.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1993 йил 22 январь ва 1998 йил 28 ноябрь сонларида бизнинг турар-жой шароитимизнинг оғирлиги ҳақида мақола ёритилганди. Кейинги мақола юзасидан газетанинг 1999 йил 3 апрель сонида чоп этилган жавобида шаҳар ҳокимияти томонидан бизга 1999 йилнинг биринчи ярмида уй берилиши ваъда қилинган эди. Орадан маълум вақт ўтиб шаҳар ҳокимининг ўринбосари уй-жой берилишига ишонтириш мақсадида бизга бир неча марта ишонч хатлари ҳам ёзиб берган.

Бундан ташқари бизда Самарқанд шаҳар Темирйўл туман ҳокими ўринбосари А.Насриев томонидан шаҳар ҳокими номига 1999 йил 29 январда ёзилган: «Жорий йилда Темирйўл туманига 1 дона квартира ажратилса, биз имтиёзли навбатда турган А.Шакаровга ўша квартирани расмийлаштириб берамиз», - деган 31- рақамли хат ҳам бор.

Сизларга ўша хатларнинг кseронусхаларини юборяпмиз. Уларда ҳатто бизга қайси кўчадан уй берилишигача ёзилган.

Ҳурматли таҳририят! Хуллас, шунақа гаплар. Ушбу масалада бизга амалий ёрдам кўрсатишларингизни, ўтиниб сўраймиз.

Нишон Шакаров,
Тошбиби Норбекова, 1 гуруҳ ногиронлари, Самарқанд шаҳри

«ҲУҚУҚ»ҚА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАРГА ҚАРШИ ҚОНУННИ БУЗИШ БИЛАН КУРАШИБ БЎЛМАЙДИ»

(«Ҳуқуқ», 2000 йил 21 июнь, 24-сон).

Мақолада кўрсатилган Тошкент вилояти ИИБ Давлат автомобил назорати ҳамда Ёнғиндан сақлаш бошқармаларининг жойлардаги айрим тизимларида фуқаро ва мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишда чалкашликларга, ҳуқуқбузарлик ҳаракатларининг нотўғри малакаланишига йўл қўйилаётганлиги масаласи жиддий муҳокама қилинди. Ушбу ҳолатлар бўйича хизмат текширувлари ўтказилиб, қонун бузилишига йўл қўйган Қибрай тумани ИИБ ДАНБ бошлиғи Э.Нуроҳинов, Тошкент, Пискент, Оҳангарон туманлари ва Янгийўл шаҳар ички ишлар идораларининг ДАНБ маъмурий амалиёт инспекторлари М.Алимов, М.Мирзараимов, Ф.Мусаев ва Н.Тўлагановлар, Оққўрғон тумани ИИБ ДЁНБ инспекторлари С.Усмонов, К.Кайлибоевлар қатъий интизомий жазога тортилдилар. Янгийўл шаҳар, Пискент, Тошкент туманлари ДАНБ бошлиқлари А.Комилов, М.Гиёсов, Б.Қорабоев ҳамда Оққўрғон тумани ИИБ Давлат ёнғин назорати бўлинмаси бошлиғи А.Йўлдошевларга раҳбарликлари остидаги шахсий таркибнинг касб маҳоратини ошириш борасидаги ўқув-машғулотларини талаб даражасида олиб бормаганликлари ва қонун талаблари тўғри қўлланишини ташкил эта билмаганликлари учун интизомий чоралар қўлланилди.

Мақола жорий йилнинг 26 июн куни Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг умумий мажлисида кенг муҳокама қилинди, келгусида ҳар қандай қонун бузилиши ҳолларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Вилоят ИИБ ДАНБ, Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ва бошқа хизматлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари устидан назорат кучайтирилиб, жойлардаги қуйи тизимларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ш.РАСУЛОВ,
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

ҲУҚУҚИЙ Маслаҳатхона

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

Менинг ўғлим яқинда хотини билан қонуний ажралишган эди. Уларнинг битта фарзанди бор.

Гарчи ўғлим айни пайтда ҳеч қаерда ишламаса ҳам суд никоҳни бекор қилаётганда 670 сўм миқдорида алимент тўлаш мажбуриятини юклади. У ҳеч қаерда ишламаса пулни қаердан олиб тўлайди ? Суд нимадан келиб чиқиб бу суммани белгилади?

Ф.Қорабоева,
Қашқадарё вилояти.

Оила кодексининг талабига мувофиқ ота-она ишлаши ёки ишламаслиги, бирон-бир даромадга эга ёки эга эмаслигидан қатъий назар вояга етмаган фарзандларига таъминот беришлари шарт.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс шу даврда ишламаган бўлса, алимент шу даврда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади. Бунда ҳар бир бола учун ундириладиган алимент энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаган миқдорда ундирилади.

Ишламаслик алимент тўламаслик учун узрли сабаб ҳисобланмайди, шунинг учун алимент суд қарорига асосан ишсизлик нафақасидан ҳам ундирилиши мумкин.

Албатта, ҳар бир ҳолатда суд тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволини, шунингдек бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни инобатга олади.

Мен 1991 йили Н. исмли шахсга турмушга чиққан эдим. Лекин орадан бир йил ўтгач, баъзи бир сабабларга кўра ажралишга тўғри келди. Ажрашгандан сўнг турмуш ўртоғим ихтиёрий равишда алимент тўлаш тўғрисида тилхат ёзиб берди.

Мен ундан 1999 йилнинг август ойигача камроқ бўлса ҳам, узлуксиз равишда алимент олиб турдим. Кейин билсам, у иккита жойда ишлар экан. У иккинчи иш жойидан яхшигина маош олар экан. Аммо у ўтган вақт мобайнида мени алдаб арзимаган пул бериб келди. У алиментни кам тўлаганига қарамасдан 1999 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб вақтида тўламай қўйди.

Турмуш ўртоғим менга иккинчи иш жойидан оладиган иш ҳақидан ҳам алимент тўлаши керакми ёки йўқми ? Мен буни талаб қилишга ҳақлиманми?

М.Зокирова,
Тошкент шаҳри

Албатта. Алимент миқдорига уни тўлаётган шахснинг Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида олаётган барча турдаги иш ҳақлари ва бошқа даромадлари киради. Ушбу миқдорни белгилашда суд ҳам уларнинг барчасининг йиғиндисидан келиб чиқади.

Турмуш ўртоғингизнинг алимент тўлаш тўғрисда берган тилхати эса ҳеч қандай юридик кучга эга эмас, чунки алиментни ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма равишда тузилиши ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Унда тўланиши кўрсатилган алимент миқдоридан ташқари, уни тўлаш шартлари ва тартиби аниқ кўрсатилиши шарт.

Нотариал тартибда тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро варақаси кучига эга бўлади.

Тарафларнинг моддий, оилавий шароитларида жиддий ўзгаришлар юз берганда алимент миқдори собиқ эр-хотиннинг ўзаро розилиги асосида ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бу тўғрида томонлар ўзаро келишувга эришмаган тақдирда, манфаатдор тараф судга мурожаат этишга ҳақли.

Алимент тўлаш тўғрисида келишув тузилганда ёки суд қарори қабул қилишда алимент тўловчининг барча иш ҳақи ва даромадлари аниқланиши лозим.

Алимент уни тўловчи шахснинг иш жойидан ушлаб қолинаётганда, иш берувчи алимент тўлаётган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги , шунингдек унинг янги иш жойи, қўшимча иш ҳақи ёки бошқа даромади ҳақида ўзига маълум бўлган ҳолатлар ҳақида ҳал қилув қарорини ижро этадиган суд ижрочисига ёки алимент олувчига уч кун ичида хабар бериши шарт.

Алимент тўловчи шахс ҳам ўз иш, ўқиш ёки турар жойи ўзгартирилганлиги ҳақида, шунингдек қўшимча даромади тўғрисида суд ижрочисини ҳамда алимент олувчи шахсни хабардор қилиши шарт. Ушбу маълумотларни белгиланган муддатларда узрли сабабларсиз хабар қилмаган айбдор мансабдор шахс ва алимент тўловчи қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Агар алимент юзасидан қарздорлик вужудга келган бўлса, алимент қарзи алимент тўловчининг иш ҳақи ва бошқа барча даромадларидан ундирилади. Агар бу маблағлар етарли бўлмаса, унда ундирув алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг банк ва бошқа кредит ташкилотларидаги пул маблағлари ва қонун бўйича ундириш қаратилиши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулкка қаратилади.

Алимент юзасидан томонлар ўртасида вужудга келадиган барча келишмовчиликлар суд орқали ҳал этилиши мумкин.

Саҳифани ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ тайёрлади.

Телевидение ва радиода бирон-бир жиноят ишига доир эшиттириш ёки кўрсатув берилганда ёки бу ҳақда газета ва журналларда материал чоп этилганда жиноятнинг тафсилоти ва унинг содир этилишига олиб келган шарт-шароитларни ёритишда баъзан жиноятни қасддан содир этган шахснинг аввал ҳам судланганлиги тилга олиб ўтилади. Шахснинг аввал ҳам судланганлиги суд ҳукми чиқарилишида қанчалик даражада таъсир этиши мумкин ?

М.Шарипов,
Тошкент вилояти

Шахснинг аввал судланганлиги ва яна қасддан жиноят содир этиши унинг олдинги қилмишидан тегишли хулоса чиқариб олмаганлигидан далолат беради.

Суд жараёнида ҳам жиноятнинг барча ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ўрганилиб унга ҳуқуқий баҳо берилганидан кейингина бир тўхтамга келинади. Ҳукм чиқаришда айбни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳамма ҳолатлар ҳисобга олинади. Лекин шахснинг қасддан яна жиноят содир этиши :

1) жиноий жавобгарликдан озод қилишга тўсқинлик қилади. Масалан, иккинчи бор жиноят содир этганда ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги айбни енгиллаштирувчи ҳолат, деб топилмайди ва айбланувчи жавобгарликдан озод қилинмайди;

2) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят, (яъни бир ёки бир неча ижтимоий хавфли жиноятлар) деб топилиши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда илгари судланган шахснинг қасддан яна жиноят содир этиши унинг жиноий ниятларининг барқарорлигидан ва ахлоқининг жамият манфаатларига қарши қаратилганлигидан далолат беради;

3) илгари содир этган жиноятига ўхшаш бўлган қасддан янги содир этилган жиноят хавфли рецидив жиноят деб топилиши мумкин. Бу Жиноят Кодексида назарда тутилган бир турдаги ёки ҳар хил турдаги жиноятлар йиғиндисидан вужудга келади;

4) ЖКда кўзда тутилган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилиши

5) муайян жазо турини белгилашда тўсиқ бўлиши

4) жазодан озод қилишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар айбни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Агар судланганлик муддати тугатилган ёки у бекор қилинган бўлса, у билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар бекор бўлади. Яъни бу кейинги ҳуқуқий ҳолатларга таъсир этмайди.

Судланганлик белгисининг бекор бўлиши (олиб ташланиши) илгари содир этилган жиноят фактининг ҳуқуқий аҳамиятини бекор қилади, шу сабабли янги ҳуқуқбузарликнинг вужудга келиши аввалги ҳолатларнинг амал қилишига тўсқинлик қилади.

Пенсия тайинлашда агар ҳеч қандай ҳужжат мавжуд бўлмаса, иш стажи қандай тасдиқланади?

С.Маликов,
Фарғона вилояти

Пенсия тайинлаш тўғрисидаги масала ҳал этилаётганда меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Бу ҳужжат бўлмаса (табиий офат ёки бошқа шу каби ҳолат туфайли йўқолган бўлса) бу ҳуқуқ пенсияга чиқиш истагини билдирган шахс ишлаган корхона, муассаса, ташкилот томонидан берилган ҳужжатлар, шунингдек архив маълумотлари асосида тасдиқланиши мумкин.

Бировларнинг уйларида уй бекаси, тарбиячи, шофёр бўлиб ва бошқа ишларда ёлланиб ишлаган шахсларнинг иш стажи ушбу иш билан таъминлаган иш берувчи орган томонидан бу фаолиятни тасдиқлаб берган маълумотнома асосида (агар бу орган ижтимоий суғурта бадалларини доимий равишда тўлаб борган бўлса у ҳақиқий ҳисобланади) аниқланади.

Агар меҳнат фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлар табиий офат туфайли йўқолган бўлса ва уларни тиклаш имконияти бўлмаса, иш стажи ижтимоий таъминот органлари томонидан икки ва ундан ортиқ гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида аниқланиши мумкин. Бунда гувоҳлар кўрсатмаси ёзма равишда ҳужжатлаштирилади.

Гувоҳларнинг камида биттаси далил ва бошқа ҳужжатлар асосида мурожаат этувчи билан муайян бир жойда маълум бир вақт мобайнида ишлаганлигини тасдиқлаши керак. Уларнинг кўрсатмасини инобатга олмаслик ва уни протоколлаштиришни рад этиш устидан тегишли тартибда юқори турувчи ижтимоий таъминот органига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Бир йилда икки марта шу йил ҳисобидан меҳнат таътилига чиқиш мумкинми ?

О.Каримов,
Жиззах вилояти

Мумкин. Бунда фақат шу йил ҳисобидан берилаётган йиллик меҳнат таътилини иккига бўлиб чиқишга тўғри келади. Бу албатта ходимнинг таътилни қисмларга бўлиб бериш тўғрисида иш берувчига қилган ёзма мурожаатидан сўнг амалга оширилади.

Таътилдан қисмларга бўлиб фойдаланилганда таътилнинг бир қисми ўн икки иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Ҳурматли таҳририят!

Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида янги қонун қабул қилинди деб эшитдим. Янги қонунда фермер хўжаликларининг ерни ижарага олиш муддати белгиланганми?

Қ.Норматов,
Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳам қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Энди бевосита саволингизга келсак, ушбу қонун фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқларини ҳам кафолатлайди.

Жумладан, қонунга кўра фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади.

Ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйишга фақат ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Ер участкасининг ижара шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда уни юритиш учун берилган ер участкасининг ижара шартномаси қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

СУҲБАТ

Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятларига қарши кураш ва ушбу тоифадаги жиноятларни фош қилиш, уларнинг олдини олиш борасидаги фаолият амалиёти қандай кечмоқда? Мухбиримиз Тошкент шаҳар прокуратурасининг ички ишлар идораларида тергов ва суриштирув устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи З.ИБРАГИМОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

АМАЛИЁТГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАСИН

— Зокир ака, маълумки, Тошкент нафақат Ўзбекистоннинг, балки Осиёнинг энг йирик шаҳарлари сирасига киради. Катта шаҳарнинг муаммолари ҳам ўзига яраша. Хусусан, кейинги пайтларда шаҳар ҳудудида айрим турдаги жиноятларнинг сони ортганлиги қайд этилмоқда.

— Ҳақиқатан ҳам кейинги йиллар давомида Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жиноятчиликка, айниқса уларнинг кенг тарқалган ва ижтимоий хавфи юқори бўлган босқинчилик, талончилик ва ўғирлик жиноятларига қарши кураш, уларни фош этиш ва олдини олиш борасида қатор амалий тадбирлар амалга оширилганлигига қарамай, бу турдаги жиноятларнинг бироз ошганлиги кузатилмоқда.

Жиноят бу ижтимоий ҳодиса, лекин ана шу ҳодиса келиб чиқишининг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик ўзини шу давлат фуқароси деб билган, масъулиятни сезадиган ҳар бир кишининг бурчидир. Бу албатта барча учун тенг бўлган ёзилмаган қонун. Аммо шундай шахслар борки, жиноятчиликнинг олдини олиш уларнинг нафақат фуқаролик бурчи, балки хизмат юзасидан юклатилган вазифаси ҳамдир. Бу ўз навбатида улардан юқори даражадаги масъулият, маҳорат талаб қилади. Лекин баъзан бундай кишилар орасида ҳам хизмат вазифасини ё хоҳламасликдан ёки бошқа сабабларга кўра лозим даражада бажармаслик оқибатида жамият манфаатларига путур етказувчи ҳодисалар содир бўлаётганлиги аниқланмоқда. Буни 1999 йилда 1998 йилга нисбатан шаҳар ҳудудида талончилик жинояти 18,9 фоизга, ўғирлик 37,6 фоизга ошганлигида, босқинчилик жиноятларини фош этиш 62,8 фоизга пасайиб кетганлигида кўриш мумкин. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида ҳам бу йўналишда ижобий ўзгаришлар сезилмай, шаҳарнинг деярли барча туманларида мазкур жиноятлар сонининг ўсиши қайд этилди.

Ўтган икки йил мобайнида жиноятчиликка қарши кураш борасидаги қонунчилик талабларини бузганлиги ва ўз хизмат вазифаларини бажаришда йўл қўйган хато ва камчиликлари учун ўнлаб прокуратура ва ички ишлар ходимлари интизомий, айримлари эса жиноий жавобгарликка тортилдилар. Мазкур хато ва камчиликлар сирасига содир этилган жиноятлар юзасидан ариза ва хабарларни қабул қилишдаги сансалорлик, баъзан эса жиноятларни турли усуллар билан ҳисобдан яшириш ҳолатлари киради.

Жиноятларни ҳисобдан яширишнинг асосий усули сифатида жиноят иши қўзғатишни ноқонуний равишда рад этиш ва жиноят ҳақидаги ариза, шикоятларни қонун талаблари асосида рўйхатдан ўтказмаслик ҳолати кўп учрамоқда. Масалан, 1999 йил 20 январь куни фуқаро Е.Хен, 22 январь куни фуқаро К.Касаевлар ўзига тегишли бўлган молмулк номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганлиги ҳақида Яккасарой туман ИИБнинг навбатчилик қисмига хабар берганлар. Тезкор гуруҳ ходимлари К.Бозорбоев, М.Мирзалиев ва Р.Азизовлар воқеа жойига боришиб, ушбу жиноят иши бўйича қонуний чора кўрмасдан, бу ҳолатларни яшириб, жиноят содир этилмаган деб қонунга хилоф хулоса тузганлар. Яна бир мисол: 1999 йил 4 май куни фуқаро Р.Мирсоипов ишдан қайтаётганида икки номаълум шахс уни уриб, 18.000 сўм пулини, қўл соати, оёқ кийими ва никоҳ узугини олиб қўйганлиги тўғрисида хабар берган. Туман ИИБнинг ЖҚБ тезкор вакили А.Имомов воқеа жойига бориб, юзаки суриштирув ўтказиб, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган.

Бундан ташқари баъзи туман ИИБларида кунлик маълумотларни ва жиноятчиликнинг ҳақиқий аҳволи ҳақидаги ахборотларни сохталаштириш, уларни ўз вақтида ахборот марказига тақдим этмаслик, жиноят ишларини ўз вақтида қўзғатмаслик, асоссиз равишда енгилроқ моддалар билан иш қўзғатиш, жиноятларнинг нотўғри малакаланиши, юритилган тезкор қидирув ишлари бўйича бирон-бир амалий иш бажарилмаслиги каби ҳолатлар ҳам юз бермоқда.

— Бир томондан, бу фуқароларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилувчи идораларга нисбатан ишончсизлигини келтириб чиқарса, иккинчи томондан, ўз вақтида олди олинмаган жиноят томир отиб, ривожланишига замин яратади. Охир-оқибат... Балки бунинг айрим ходимларининг ўз ишига масъулиятсизлик билан қарашидан ташқари бошқа сабаблари ҳам бордир? Дейлик, ходимнинг уқувсизлиги ёки манфаат кўзлаши?

— Ҳақиқатдан ҳам жиноятлар ўз вақтида фош этилмаса бу ҳолат аввалambор жазо муқаррарлиги принципи бузилишига олиб келади.

Албатта, бундай ҳолатлар айрим ички ишлар идоралари ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришга масъулиятсизлик билан ёндошишлари оқибатида ҳам юзага келиши мумкин. Бахтга қарши баъзи ҳолларда милиция формасидаги масъул ходимлар жиноятчиликка қарши курашиш ўрнига ўзлари жиноятлар содир этиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида бир неча ички ишлар идоралари ходимлари жиноий жавобгарликка тортилган.

Энди ички ишлар идоралари айрим ходимларининг уқувсизлигига келсак, бу муаммодан кўз юмиб бўлмайди. Тажрибаси ва уқуви етарли бўлмаган ходимлар ҳозирда кўпчиликни ташкил этади. Шаҳар милициясида ҳукуматнинг махсус қарорига асосан ўтказилаётган ислоҳотга биноан ички ишлар идораларига кўплаб ёш ходимлар ишга жалб қилинди. Бу ходимларнинг тажрибаси ва билим даражасини ошириш мақсадида шу йилнинг бошида Тошкент шаҳар прокуратураси, ИИББ ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ўзаро ҳамкорликдаги доимий фаолият кўрсатувчи семинари ташкил этилади.

Бу семинарда ўтказилган ўқув машғулотларида прокуратура ва ички ишлар идораларининг ёш ходимлари амалий иш фаолиятида ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар, мутахассис олимлар ва амалиёт ходимларининг маслаҳат ва йўл-йўриқларини олишлари мумкин.

— Жиноятлар кўпроқ қандай шахслар томонидан содир этилаяпти?

— 1999 йилда рўйхатга олинган умумий жиноятларнинг ҳар олтинчиси муқаддам судланганлар томонидан ва деярли 12 фоизи маст ҳолда содир этилган. Бу ички ишлар идораларининг маъмурий назорат амалиёти қонунчилик талаблари ва реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмаётганлигидан дарак беради. Чунончи, шаҳар бўйича муқаддам судланганлар сони 1999 йилда олдинги йилга нисбатан ошган бир вақтда ички ишлар идоралари томонидан маъмурий назоратга олинган шахслар сони камайган. Буни қаранг-ки, охирги икки йилда маъмурий назоратда бўлган ўнлаб шахс қайта жиноятга қўл урган.

Ишсизлик жиноят содир этишнинг омилига айланиб бормоқда. Статистик маълумотларга қараганда, ўтган йили ўғирлик жиноятини содир этганларнинг 75 фоизи, босқинчи ва талончиларнинг 81-82 фоизи аниқ иш жойи, касб-корга эга бўлмаган шахслардир.

Асосан куппа-кундуз куни кўчаларда ўзгаларнинг сумкаларини, тилла тақинчоқларини ва бошқа нарсаларини юлиб қочиш, транспортда, жумладан, жамоат транспортида яширин равишда ўғирлаш ҳолати кўп учрамоқда.

— Ҳар бир жиноят ўзига хос хусусият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноятчиликка қарши курашда бошқа соҳа идоралари, жамоатчилик билан ҳамкорликнинг аҳамияти каттадир. Бу борада шаҳар прокуратура идоралари томонидан қандай ишлар қилинмоқда?

— Жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этишга аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда ёндошилса, катта куч ва маблағ сарфламаган ҳолда ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкин. Буни шаҳарнинг айрим туманларида амалга оширилган ишлар мисолида кўрса бўлади. Масалан, Мирзо Улуғбек туман прокуратурасининг ташаббусига кўра, туман ҳокимияти билан биргаликда шу ҳудудда яшовчи пенсионерлардан иборат махсус кўриқчилар отряди тузилиб, уларга ўзларига бириктирилган маҳалла, мавзе ва кўчаларда қўлларига махсус белгилар тақиб олиб, ҳуштаклар билан «қуролланиб», кундуз кунлари навбатчилик қилиш вазифаси юклатилган. Бу ишга жалб қилинган пенсионерларни имконият доирасида моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш масаласи туман ҳокимияти томонидан ҳал этилмоқда.

Суҳбатдош:
Дониёр ХАЛИЛОВ

Жиноятчиликка қарши курашиш асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вазифаси, лекин унинг олдини олишда ўша жабрланувчиларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бўлиши керак. Масалан, кейинги пайтларда баъзи ота-оналар ҳали мактабни тугатмаган қизларига тилла тақинчоқлар олиб бериб тақиб қўйишаётганини, ёш йигитчалар (катта ёшдаги одамлар ҳам) эса пулларини кўз-кўз қилгандек намойиш этишларини, айримлар эса пулини целлофан халтачаларга солиб юрганини, баъзи уйларнинг эшиги ланг очиб қўйилганини ва ҳоказоларни кўриш мумкин. Худо кўрсатмасин, бирор кор-ҳол юз берса ҳимоя истаб келишади-да, аммо нима сабабдан бундай бўлганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Ҳалоли бўлсин, лекин юқоридагига ўхшаш ҳолатлар баъзан жиноятларнинг келиб чиқишига замин яратмаяптимикан? Балки адашаётгандирмиз. Нима бўлганда ҳам, ҳар ким ўзига пишиқ бўлса, фойдадан холи бўлмас эди.

САБОҚ

ҚАЛБАКИ ДИПЛОМЛИ ЎҚИТУВЧИ

КАР, КЎР, ГУНГ ЗАМИНДАГИНА БЕМАЛОЛ ИШЛАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1- бетда)

Катта шаҳарларда, кўпқаватли уйларда, баъзан битта подъездда яшайдиган қўни-қўшнилар бир-бирларини танимасликлари табиий ҳол. Ана шу «подъезддан» учирма бўлган йигит ёки қиз гарчи ҳеч қаерда ўқимаса-да, ўқитувчи бўлиб ишлаб юриши ҳеч кимни таажжубга солмайди. Негаки, қачон, қаерга ўқишга кирганини сўрашмаган, билишмайди. Бироқ қишлоқда ҳамма нарса ҳудди кафтдагидай кўриниб туради. Фалончининг ўғли Тошкентда ёки Фарғонада дўхтирликка ўқиётганини бутун қишлоқ билади. Ёки шаҳарга ўқишга кетдим деб, ўқишга киролмай, қишлоққа қайтишдан ор қилиб, дайдиб юрган ҳамқишлоқларини ҳам кекса-ю ёш ҳамма билади, танийди.

Солижонобод қишлоғи аҳли Мунаввархон Арапова ўқишга киролмаган бўлаётганидан хабардор эди. Ўқишга киролмаган бўлган 1995 йили Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти бошланғич таълим методикаси курсини битиргани тўғрисида диплом билан қишлоққа қайтиб келгани ҳеч кимни ажаблантирмади. Имтиҳондан йиқилиб чиққанда унинг аянчли руҳий ҳолатини кўрган бир «саховатпеша» ҳамдардлик билдириб, юпатган бўлди.

— Мабодо, диплом зарил бўлса, бор... - деб шипшитди. - Нақд беш минг сўмга «законний» диплом тўғрилаб бераман!

Мунаввархон тайёр дипломни сотиб олиб, Охунбобоев туманидаги 34-ўрта мактаб директорининг номига ариза ёзди. Кўпни кўрган, паст-баландни биладиган мактаб директори «ие, битта ёз ўтмай ўқишни битиришга улгурибсан-да» деб сўраб-суриштиришни ўзига эп кўрмай, «одамгарчилик» қилиб, Мунаввархон Араповани ишга қабул қилди. Ҳолбуки, дипломнинг қалбакилигини текшириш учун узоққа бориш шарт эмас, ички варақларининг четларига худди нусха кўчириш аппаратидан кўчирилган каби қора из тушиб, ўзини-ўзи фош қилиб турганди. Туман прокуратураси солиқ инспекцияси, молия бўлими ходимлари билан бирга ушбу мактабда умумий назорат тартибида ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини текшираётган пайтда бир неча дипломларнинг айни ана шу жиҳати эътиборни тортди. Гўё Тошкент, Андижон педагогика институтлари, Андижон, Бўз, Фарғона педагогика билим юртларини битиргани ҳақида берилган дипломлар юқоридаги ўқув даргоҳлари мутасаддиларига кўрсатилган заҳоти қалбакилиги аён бўлди.

Мунаввархон Араповадан «ибрат» олган Зиёдахон Умрзоқова, Ҳилола Бурҳонова, Шаҳзодахон Абдуллаева, Замира Абдураҳмонова, Раҳима Баҳромова, Дилрабо Раҳмоновалар ҳам 1997, 1998, 1999 йилларда қалбаки дипломларни 8 минг сўмдан 35 минг сўмгача нархда сотиб олиб, 34-мактабга бемалол ишга жойлашиб олаверишган. Ҳудди шунингдек, 50-ўрта мактабда ҳам Дилбархон Расулова қалбаки диплом билан бошланғич таълим ўқитувчиси бўлиб ишлаётгани аниқланди.

«Қалбаки ўқитувчиларнинг» онахони - Мунаввархон Арапова беш йил мобайнида сохта дипломга тўлаган пули ҳиссасини эллик баробар қилиб чиқариб олди - 247628 сўм иш ҳақи олди. Саккиз нафар алифдан бехабар қалбаки ўқитувчи ва тарбиячилар жами 811 минг сўмдан зиёд бюджет пулларини маош тарзида олиб, ҳазм қилиб юбордилар. Бу ҳам майли, улардан таълим олган болаларнинг «саводхонлик» даражасини кўз олдингизга келтириб кўринг! Улар жамиятга етказган маънавий зарарни нима билан ўлчаб бўлади? Сохта диплом билан бемалол ишлаб юрган «устоз» лар аксарият битирувчиларда «шундоқ қилса ҳам бўлаверар-кан-да», деган жиноятга етакловчи тушунча уйғотгани сир эмас. Энди улар ҳам ҳаётга «осон йўл» излаб, ҳамшира, врач, инженер деган сохта дипломлар сотиб олмасликларига ким кафолат бера олади?

Охунбобоев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Муҳаммадэмин Тешабоевнинг қарори билан саккиз нафар қалбаки диплом эгаларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Сохта ўқитувчиларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши бошқа «сохта» касб орттириб олишга иштиёқмандларга сабоқ бўлиши шубҳасиздир.

Акбаржон ЮСУПОВ,
Охунбобоев тумани прокурорининг ёрдамчиси


ОҒРИҚ

ЖИНОЯТЛАР ДОЯСИ

Дунёдаги тирик жонзотлар ичида инсон заковатига, тафаккурига тараф йўқ. У изланади, ўрганади, кашф қилади. Аммо кўп замонлардан бери инсониятнинг ўзига қарши хизмат қилаётган кашфиётлар ҳам мавжуд. Шундай кашфиётлардан бири — АРОҚ.



Американи «кашф» этганлар эрксевар ҳиндуларни «оловли сув» — ароқ билан забт қилишганини, не-не давлатларнинг таназзулига ҳукмдорларнинг бадмастлиги сабаб бўлганини, Мўмин Мирзога ўлим ҳукми бадмастликда чиқарилганини ёки кўпгина урушлар, сотқинликлар ва хиёнатлар сабаби ҳам ароқ бўлганлигини яхши биламиз. Шўро давлати ҳам ўзига қарам бўлган ҳудудлардаги халқларни мутелик ва фикрсизликда сақлаш воситаларидан бири сифатида оммавий ароқхўрликни йўлга қўйган эди. Шўро халқи чарчаса ичарди, дам олса ичарди, хафа бўлса ҳам, хурсанд бўлса ҳам ичарди, бола туғилса «юварди», меҳмон келса ҳам, меҳмон кетса ҳам ичарди...



ҚОТИЛЛИК ИЛДИЗИ

Сарлавҳанинг ўзиёқ сизга ҳазрат Беҳбудийнинг «Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли» асарини эслатган бўлса керак. Беҳбудий даҳосини кўрингки, бу ўлмас асар мана салкам бир аср ўтибди ҳамки, аҳамиятини йўқотгани йўқ. Яъни ичкиликка бугун ҳам барча кўргуликларнинг дояси сифатида қаралмоғи зарур.

«Сарт мусулмонини ҳам рус мужиги каби ичишга ўргатиш керак» деган эди бутун бир миллатни маҳруҳ этиш учун шунинг ўзи кифоя эканлигини англаб етган миссионерлардан бири XIX аср ўрталарида. Таассуфки, унинг машъум ғояси ўтган 130 йиллик мустамлака даврида 150 фоиз амалга ошди. Дастлаб чоризм, ундан кейин шўролар империяси даврида бу ғоядан одамларни манқуртликка етакловчи воситалардан бири сифатида фойдаланилди. Оқибатда...

ПАДАРКУШ

ЁХУД ЖАҲОЛАТНИНГ БИР МАНЗАРАСИ

Бир пайтлар аждодларимиз ҳаром дея ҳазар қилган маст қилувчи ичимликларни бугун биз дастурхонимиз кўрки, фаровонлигимиз белгиси деб биламиз. Аллоҳ лафзида ҳаром дейилган нарсани истеъмол қиламиз, зиёфатлар, тўйтантаналарни усиз тасаввур қила олмаймиз. Имкон қадар тарғиб ҳам қиламиз. Ҳатто, ҳатто фарзандларимиздан ҳам истиҳола қилмаймиз. Хуллас, бизга ичиш, ичганда ҳам оммавий ичиш юқтирилди. Бугун одамлар фарзандига китоб олмайди, лекин ичади. Хаста онасининг даволанишига пул топилмайди, лекин тўй қилиб ароқни тўкиб ташлайди. Меҳмоннавозлик ҳурмат-иззати учун ароқ қўйиш қоидага, инсоний эътибор меъзонига айланиб улгурган.

Энг ачинарлиси, бундан ҳеч уялмаймиз. Биз биламиз унинг ҳаром эканлигини, унинг жиноятлару гуноҳлар сабабчиси эканлигини ҳам яхши биламиз. Лекин тўхтамаймиз.

Сизга баён қилмоқчи бўлганимиз бир падаркушлик фожеасига ҳам айнан ана шу нарса, жиноятлар дояларидан бири - ичкилик сабаб бўлган эди.

***

-Мамашканинг қайтганини ювмасак бўлмайди,-қўйнидан икки шиша винони чиқариб қўйган Ғуломга ака ва 83 ёшли ота эътироз билдирмади. Эътироз ҳам гапми, ҳозиргина хаста онани шифохонадан уйга қайтариб олиб келишиб, ҳамма у билан андармон бўлиб турган бир пайтда иккита яримта топиб келишга улгурган азаматга хайрихоҳ бўлишди, албатта. Хаста онанинг соғлиги учун тилак билдириб ичмаса бўлармиканми?.

83 ёшли ота ҳам ҳали ўғилларидан қолишмайди... Балки юзинчи, балки мингинчи марта вино тўла пиёлаларни ўз ўғиллари билан чўқиштириб сипқораётган ота хаёлига ҳам келтирмайди-ки, бу галгиси охиргиси эканлигини, у дунёга ҳам сархуш ҳолда кетишини. Пиёлалар тўлдириб-тўлдириб кўтарилди. Икки шиша ҳам қулади. Ғулом учун икки шиша камлик қилди, «жойига етиб бормади». Яна ичгиси келди. Обкелай деса пули йўқ. Текинга биров идишиниям бермайди.

- Бобой, пулдан чўзинг, яна обчиқаман.

- Пул йўқ ўғлим, бўлганда бермасмидим.

- Гапни чўзманг, мен иккита олиб келдим-ку. Сиз ҳам пул чиқаринг-да энди.

- Пулим йўқ дедим-ку, сенга, бор пулимга онангга дори олганман. Ишонмасанг, ана, акангдан сўра.

Жанжал шундан бошланди. Ҳеч қаерда ишламайдиган, оиласи бўла туриб ҳалиям ўзига пашшахўрда бўлиб юрган ўғлининг қайта-қайта пул сўрайвериши отага ҳечам ёқмади. Бу оиладаги биринчи жанжал эмас эди. Ғуломнинг жонга тегар жанжалларига ҳамма кўникиб қолган эди деярли. Қилган жинояти учун жазо муддатини ўтаб чиқиб ҳам ақли кирмаган Ғулом Комилов Бухоро шаҳрида Азима исмли аёл билан никоҳсиз яшаб юрар, ҳали ҳам ҳеч қаерда ишламасди. Тез-тез ота-онасиникидан пул, озиқ-овқат олиб турар, агарда отаси пул топиб беролмаса, уйдан қўлига илинган нарсани олиб чиқиб кетар эди. Албатта, буларнинг ҳеч бири жанжалсиз содир бўлмасди. Лекин Ғуломнинг бу сафарги жанжали одатдагидай тугамади.

Ҳадеганда пул ундиролмай кўзи қонга тўлган Ғулом сал олдинроқ ўзи вино идишининг оғзини очган пичоқни олиб ўз отасига ўқталди:

- Яхшиликча пул чиқаринг, бўлмаса ҳаммангни сўйиб ташлайман !

-Пичоқни ташла, нима деётганингни биласанми ўзинг ! -жанжалга ака аралашади.

Бундан руҳланган ота ўғли Ғуломга бақира бошлайди. Ғазабланган Ғулом хаста онаси ва акасининг кўз олдида отасининг юрагига пичоқ санчади. Уни тўхтатишга на хаста она, на онасига сув ичираётган ака қодир эди...

Эслайсизми, отасининг ўлимига сабабчи бўлган Абдуллатифга «падаркушнинг умри олти ой» деган башорат бўлган эди. Ҳар қалай бу сафар ҳам шундай бўлди.

Бухоро вилояти судининг ҳукмига мувофиқ падаркуш Ғулом Комилов Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 97-моддаси 2-қисмининг тегишли бандлари билан ўлим жазосига маҳкум этилди.

Мастликни ихтиёрий жиннилик дейдилар. Ўша ихтиёрий жиннилик бир оиладан ҳам отани, ҳам ўғилни олиб кетди.

***

Мана сизга жаҳолатнинг бир манзараси. Хулоса қилайлик. Хўш, бу фожеага ким айбдор? Ноқобил ўғилми ёки нотўғри тарбия берган отанинг ўзими? Наҳотки ота ўз қотилини тарбиялаган бўлса? Балки айбни бошқа жойдан қидириш керакдир?

Бу манзара битта бўлса, ёзмас эдик. Афсуски... Кўпчилигимиз биламиз, кўрганмиз ёки эшитганмиз ўз фарзандидан жабр чеккан оталарни. Уларнинг ҳаммасига ҳам эканини ўради-да, қабилида қараш адолатдан бўлармикин? Умуман, шахснинг шаклланишида оила муҳим рол ўйнайдими ёки ундан ташқаридаги муҳитми?

Бизни яна бир нарса қизиқтиради, ўғил отасини ўлдирган мана шу хонадонда яна ичкилик ичиларми-кин?

М.ВОҲИДОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси
Шавкат ЁДГОРОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

АТТАНГ

ШИША ИЧИДАГИ ШАЙТОН

«Тез ёрдам» машинасининг аянчли чинқириғи синнонликларни қатиқ сескантириб юборди. Ишқилиб тинчликка бўлсин-да, дейишди қариялар. Аммо туман маркази томон шитоб билан кетаётган бу машина тинчликдан дарак бермасди.

****

Ҳовлидаги бузуқ машинани айланиб, шаталоқ отаётган бузоқни қувларкан, Зайнаб холанинг фиғони фалакка чиқди. Аламини кимдан олишини билмай, атрофга аланглади. Уйдан елкасига сочиқ ташлаб чиқиб келаётган ўғли Баҳодирга кўзи тушдию, жаврай кетди:

- Манави дардисарни қачон ҳовлидан йўқотасан? Керак бўлмаса кўчага опчиқиб ташла!

Баҳодир машинани бир ёқли қилмаса онасининг чакаги ўчмаслигини билиб, чала-чулпа нонушта қилди-да, кўчага отланди. Йўл-йўлакай ҳамқишлоғи Шарофиддинни ҳам чақириб ўтди. Иккаласи бир-иккита одам тўплаш мақсадида энди катта йўлга чиқишганди ҳамки, шу томонга машинасини елдек учириб келаётган танишлари Эраҳматга дуч келишди. Эраҳмат уларни кўриб, машинасини секинлатди.

- Хизрни йўқласам бўларкан. Ҳозир олдингга бормоқчи бўлиб турувдим, - деди кўришиш учун қўл узатаркан Баҳодир.

- Тинчликми? Нима гап ўзи?

- Тинчлик. Бир юк бор эди. Шуни «КаМАЗ»га ортиш керак.

- Бўпти. Сизлар одам йиғиб турингларр. Унгача мен банкка ўтиб келаман.

Тўрт-беш киши биргалашиб, Баҳодирнинг ҳовлисидаги носоз ҳолатда турган «Волга» автомашинасини «КаМАЗ»га юклаб бўлишганда кун пешинга яқинлашиб қолган эди. Ичувчига жаноза ҳам баҳона, деганларидек, бошқа ёрдамчилар уйуйига тарқагач, учала оғайни винохўрлик қилиш учун Синнон пахта тозалаш заводи ошхонасига йўл олишди. У ерда 3 шиша винони бўшатиб, газагига манти ейишди. Яхшигина улфатчилик қилиб ўтиришганди. Баҳодирнинг ҳотамтойлиги тутиб, уйига таклиф қилиб қолди. Хурмачаси анча тўлиб қолган оғайниларга бу таклиф мойдек ёқиб, Баҳодирникига отланишди. Йўлда кетишаркан, негадир Шарофиддиннинг оёғи тортмаётгандек бўлди. Бир кўнгли уйига кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо ичкилик ҳақидаги хабарни эшитиб, фикридан қайтди.

- Бодрингдан арчиб енглар, ўғлим, - деди Зайнаб хола супада ўтирган ўғлининг оғайниларига пичоқ билан бодринг узатаркан. У озгина фурсатдан кейин бу пичоқ бодрингга эмас, бир бегуноҳ йигитнинг жонига санчилишини хаёлига ҳам келтирмасди.

Ичкиликни бежиз жин ва шайтонга қиёслашмайди. Шиша ичидан аллақачон йигитларнинг вужудига ўтиб олган шайтон аста-секин ўз найрангини кўрсата бошлади. У ақларни мағлуб қилгач, йигитлардан қайси бири биринчи бўлиб, жиноятга қўл уриши кераклигини режалаштирарди, холос. Бу унчалик қийин кечмади. Олдин ҳам бир-икки марта шайтон кўчасига бўйлаган, бирор ерда ишлаб жамиятга фойда келтиришни хаёлига ҳам келтирмайдиган Эраҳмат осонгина шайтоннинг амрига бўйсунди. У супада ёнбошлаб мудраётган Шарофиддиннинг қитиқ-патига тега бошлади:

- Сенинг кўзинг худди ўғрининг кўзидек пириллайди. Раҳматли отангники ҳам шундай эди. Сенларнинг уруғингда бор-да.

Табиийки, бу гап Шарофиддиннинг нафсониятига тегмай қолмади. У ҳам шайтоннинг сувидан ичиб олган эмасми, эски тарихнинг аврастарини тита бошлади.

- Сен олдин ўзингни бил. Отанг кинначи ўтган. Қишлоқдаги қанча одамни кинна тиқиб ўлдирган. Сени уруғинг жаллод.

- Ҳали шунақами?! Ҳе,...сени, кинна тиқиш мана бунақа бўлади.

Эраҳмат шундай деди-ю, дастурхонда турган пичоқни олиб, Шарофиддинга ташланди. Ўртадаги бодрингга тизиллаб қон сачради.

«Тез ёрдам» машинасида Шарофиддинни туман касалхонасига олиб боришди. Аммо оғир жароҳат туфайли у йўлдаёқ вафот этганди.

Ҳукм ўқилди. Маст ҳолда жиноят содир этган Эраҳмат тегишли жазосини олди. Аммо бу жазо тул қолган бир аёлнинг ва бир умр ота дейишдан маҳрум бўлган қорақўзнинг дардига малҳам бўла оларми-кан? Соғлик учун, дўстлик учун ва яна алламбало нарсалар учун қадаҳ уруштириб, кўнгилхушлик қилаётганлар, бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўринг.

Илҳом ХОЛДОНОВ,
Яккабоғ туман прокурори.
Гулруҳ ЁРМАТОВА,
журналист

Аллоҳ таолонинг қавли:

«Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган ишларидан ғофил деб ўйламангиз! Дарҳақиқат, Аллоҳ уларга (берадиган жазони) кўзлар (даҳшатдан) хиралашиб, бақрайиб қоладиган, (Қиёмат) кунига қолдирмоқдаки, (ул куни) улар бошларини юқори қилган ҳолларида (чорланган томонга) ҳисоб-китоб учун югурурлар. Кўзлари бир тарафга тикилганча, диллари эрса, (ақл, фаҳм ва умид деган нарсалардан) бутунлай бўшаб қолур. (Эй, Муҳаммад) одамларни огоҳ қилингки, уларга азоб келур кунда золим кимсалар: «Парвардигоро, бизга бир муҳлат бергил, (яъни бизни дунёга қайтариб, бироз яшамоғимизга имкон бергил, биз албатта) сенинг даъватингни қабул қилурмиз ва юборган элчиларингга эргашурмиз» - дерлар...

(«Иброҳим» сураси, 42-43-оятлар).

ҲИКОЯТ

Қадим замонда бир бойнинг бир хизматкори бўлган экан. Хизматкор қадди-қомати келишган, хушсурат йигит бўлиб, бойбича (бойнинг хотини) зимдан уни яхши кўрар экан. Бир куни уйда ёлғиз қолишганидан фойдаланиб, бойбича турфа ноз-неъматлар билан тўкин дастурхон тузабди. Мақсади йигит билан айшу-ишрат қилиш экан. Аллоҳдан қўрққан йигит унинг таклифини рад этибди. Шунда маккор хотин дебди:

— Бўлмаса, сенга учта шартим бор. Ё манови кўзадаги шаробни ичасан, ё ҳовлида ўйнаб юрган ғўдагимни ўлдирасан, ё мен билан яқинлик қиласан. Айтганимни қилмасанг, ёқаларимни вайрон қилиб, хизматкорингиз мени зўрламоқчи бўлди дея хўжайинга арз қиламан. Кўраман, кейин эл орасида бошингни қандай кўтариб юрар экансан.

Ноилож қолган йигит шартнинг энг енгилини бажарайин дея кўзадаги шаробни бир томчи ҳам қолдирмай сипқорибди. Шайтоннинг суви ичга киргандан кейин тинч қўярмиди? Ақлу ҳушини йўқотган йигит кўзига чиройли кўриниб, хотин билан яқинлик қилибди. Сўнг қилиб қўйган ишидан даҳшатга тушиб, хотинни ҳам, ғўдакни ҳам бўғиб ўлдирибди...

Шунинг учун шаробни жамики кулфатларнинг онаси дейишади.

Internet ХАБАРЛАРИ

ФИФА 2006 йилги жаҳон чемпионатини Германияда ўтказиш тўғрисида қарор чиқарган куннинг эртасигаёқ бутун мамлакат байрам кайфиятида яшай бошлади. Бироқ, чемпионат Германияда ўтказилмаслиги ҳам мумкин. Негаки, немислар чемпионат мезбонлиги учун курашда ЖАР устидан пора эвазига ғалаба қозонган, деган хабарлар пайдо бўлди.

Аниқ бўлмаган маълумотга кўра, овозлар сони тенг бўлиб турган пайтда янги зеландиялик Чарльз Дэмпси пора эвазига Германия учун овоз бериб, ҳамма нарсани ҳал қилган. Агар у ЖАР учун овоз берганида (Янги Зеландия спорт вазири Ч.Дэмпсига ЖАРга овоз бериш тўғрисида кўрсатма берганди) футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати биринчи бор Африкада ўтказилган бўлур эди. Чунки овозлар сони тенг келиб қолган тақдирда ФИФА президентининг фикри инобатга олинади, у эса ЖАР учун овоз берганди.

Ҳозирча пора билан боғлиқ хабар расман тасдиқлангани йўқ, лекин мухлислар аллақачон чемпионат ташкилотчиларининг ҳалоллигига шубҳа қила бошладилар.

***

Куба президенти Фидель Кастро 6 ёшли Элиан Гонсалеснинг отаси Мигуэл Гонсалесга мамлакатнинг олий мукофотларидан бири - Карлос Мануэл де Сеспедес орденини ўз қўли билан топширди. Кастронинг сўзларига қараганда, Гонсалес ўғлини ватанига қайтариш билан ўзини беқиёс шон-шуҳратга буркади, халқнинг олқишига сазовор бўлди. «АҚШдаги кубалик муҳожирлар, - деди жавобан Гонсалес, - ўғлим билан Флоридада қолишим учун 2 млн доллар таклиф қилдилар. Мен коммунист сифатида рад қилдим».

Эслатиб ўтамиз, Элианнинг онаси ва ўгай отаси ўтган йили ноябрда қайиқда Кубадан АҚШга йўл олиб, денгизда ҳалок бўлишганди. Элиан эса кутқарилиб, болага сиёсий бошпана берилишини сўраган Майамидаги қариндошларига топширилганди. АҚШ суди эса болани отасига қайтариш тўғрисида қарор чиқарган.

***

Германия парламенти қуйи палатаси - Бундестаг кўпчилик овоз билан Учинчи Рейх қурбонларига товон пули тўлаш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Юқори палата ҳам 14 июлда ушбу ҳужжатни тасдиқлаши кутилмоқда. Қонунда 5 млрд. долларлик жамғарма тузиш назарда тутилади, ундан нацистлар даврида мажбурий меҳнатга жалб қилинган кишиларга товон тўланади. Пулнинг ярмини Германия ҳукумати, ярмини немис компаниялари ажратиши керак. Жамғармага 1 200 000 собиқ тутқун мурожаат қилиши кутилаяпти.

МАЛАКАЛИ ТЕРГОВДАН НАМУНАЛАР

ЖАЗМАННИ ЖАЗАВАГА СОЛГАН ЖОЗИБА



Альбина ишдан қайтиб эшикни очди-ю, додлаб юборди. Қўнғироқ келишгач, ўзини босиб олди ва милицияга қўнғироқ қилди.

Қотиллик содир этилганлиги тўғрисидаги хабар милиция ходимларини ҳамда доимий ҳаракатдаги тезкор тергов гуруҳини оёққа турғизди. Улар Қарши шаҳридаги 5-миттитуман 20-уйнинг 4-хонасига етиб келишгач, воқеа жойини ўрганишга киришдилар. Марҳума 40-45 ёш оралиғида. Жасаднинг бўйнида 1 метрлик намланган қўл сочиғи ингичка сиртмоқ шаклида турибди. Марҳуманинг икки тиззаси судралганлиги оқибатида шилинган, дерли бошқа кўзга кўринарли жароҳатлари йўқ.

Зудлик билан ҳодиса жойи эксперт-криминалист ва суд тиббиёт эксперти мутахассислари иштирокида марҳуманинг қизи Мамбетова Альбина қатнашувида кўздан кечирилиб, суратга олинди ва видеотасвирга туширилди. Уй соҳибаси Роза Рахеева ким эди? Уни нега ўлдиришди? Қотил ким?

Бу саволга жавоб бериш учун Қарши шаҳар прокуратураси терговчиси Н.Раҳимов раҳбарлигида тезкор гуруҳ тузилди.

Роза Рахеева 1956 йилда Россиянинг Челябинск шаҳрида туғилган. Миллати - татар. Маълумоти - ўрта. Судланмаган. Турмуш ўртоғи 1980 йилда вафот этган. Ёлғиз қизи Альбина 1979 йилда туғилган. Марҳума Қарши меҳмонхонасида 4-қават навбатчиси бўлиб ишлаб келган.

Қизи эса «Қизилқум тепалиги» фирмасининг филиалида хазиначи бўлиб ишлаётганлиги аниқланган.

Гуруҳ томонидан хона тинтилди. Альбина пуллар ва 2 дона узук, онаси тақиб юрадиган бриллиант сирга йўқлигини айтди. Босқинчилик содир бўлган, деган тахмин билан гуруҳ тинтувни давом эттирди. Альбинанинг қиёфасида саросимага ўхшаш ҳолат пайдо бўди. Бу ахлат кутиси текширилаётганда янада кучайди. Ранги докадек оқарган Альбинага гугурт кутиси ичидаги бриллиант сирғалар кўрсатилганда, қўрқиб кетди. У бу ҳолатни «онамнинг ўлиб ётганини кўриб, дастлаб қўрқдим. Кўни-кўшниларни чақирдим. Милицияга хабар қилдим. Кейин улар келишгунча сирғани олиб, яшириб қўйдим. Чунки сирғани олиб кетади, деб ўйлагандим», деди.

Шундан сўнг марҳума яшаган 20-уйдаги хонадонларда суриштирув бошланди. Марҳума билан бирга ишлаётганлар, яқин дугоналари, қариндошлари аниқлана бошланди. Альбинанинг ҳам ўша куни қаерда бўлганлигини аниқлаш лозим эди. Терговчи бу ҳақдаги айрим далилларни тўплагач, Роза Рахееванинг бутун ҳаёти, турмуш тарзи ҳақида тасаввурга эга бўлди.

***

Қизи билан бўлган даҳанаки суҳбатдан сўнг Роза ташвишга тушди. Ўзига «тортмаган» бу қиздан озроқ норизо бўлди. Бироқ фарзанд барибир фарзанд-да. Унинг мустақил яшаш вақти келганлигини англаб, уй қидира бошлади. Ўзига уй олиб берсам, қулоғим тинчийди. Кайфусафомга ҳам халақит бермайди, дея у борини йиғди. Мўлжалдаги сармояни жамғаргач, яқин дугоналарига дардини ёрди.

- Ҳозир 1500 долларим бор. Альбинага уй олиб бермасам бўлмайди. Уйимга келиб-кетаётганларга рўйхушлик бермаяпти. Йўқот барини, ифлос ишингга мени қўшма, дейди.

У бўйига етиб, ҳуснига ҳусн қўшилган қизини ҳам кўнгил кўчасида сайр қилишга ундади. Бироқ қизи қайсарлик билан уни рад этди ва бундан буён бу хурмача қилиқларига барҳам бериши лозимлигини айтди.

Роза Рахеева дугоналари билан сирлашгач, навбатчига тегишли ўриндиққа чўкди. Бежирим сумкасидан ойнача чиқариб, пардоз қила бошлади.

«Умр бунча тез ўтади. Дарров қарияпманми? Энди менинг ошиғим олчи тушмайдими?». У ажинлар чизиқ чиза бошлаган юзини силади. Назарида ҳадеб пардоз қилавергани учун юзи тез қариётгандек эди. «Тенгдошларимга нисбатан анча ишонарди. 6-миттитуманда сотиладиган уй борлигини ҳам Музаффар айтди. Боз устига у билан бирга бориб келди. Гарчи савдолашаётган пайт лом-мим демаса-да, бундан Розанинг димоғи чоғ бўлди. Ҳали одамларга кераклигини ҳис этди. Улар пулни олиб келиш учун Розаникига келишди. Ошиқ ва маъшуқ уйга кириб, бир пиёла чой ичишга тутинди. Сўнгра бир-бирининг пинжига тиқилишди.

***

Тергов гуруҳи томонидан Роза Рахеева яшаб келган 20-уйда яшовчилар рўйхатга олинди.

Ҳар бир хонадон эгаси, болалари сўроқ қилинди. Марҳума ўлдирилган соатларда уйда бўлганлар алоҳида эътиборга олинди. Ўтказилган суриштирувда бирор киши 21 октябрда Розанинг уйига келганини ёки бегона кишини кўрганини айтмади.

Наҳотки бирор гувоҳ топилмаса? Бўлиши мумкин эмас. Терговчи марҳума билан бир подъездда яшовчи бир аёлдан сўраганда у ўша куни ҳеч кимни кўрмаганини, ўғли эса шамоллаб, 2 кундан буён уйда ётганлигини айтди.

Терговчи ўғли билан уйга бориб суҳбатлашиш мумкинлигини айтганда, аёлнинг юзида саросима пайдо бўлди.

Терговчининг синчков нигоҳидан бу ҳолат яширинолмади. Аёлнинг уйига борилганда унинг ўғли касал эмаслиги маълум бўлди. Демак, ўғли ниманидир билади. Терговчи калаванинг учи топилаётганини сезди ва педагог ёрдамида бола билан суҳбат ўтказди. Боланинг гапига кўра ўша куни 30-35 ёшлардаги истараси иссиқ, галстук тақкан эркак Роза билан уйга кириб кетган. Орадан бир соатлар ўтгандан кейин бир ўзи чиқиб кетган. Бу пайтда бола кўчада коптоқ ўйнаётган бўлган.

Боланинг тасвирлашига асосланиб, ўша эркакнинг фотоишлови тайёрланди. Тайёрланган сурат Альбинага кўрсатилганда у онасининг таниши, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида ишловчи Музаффар Рўзиевга ўхшашини маълум қилди.

Шундан сўнг тезлик билан Музаффар Рўзиев топилди ва сўроқ қилинди. У Розани бир йилдан буён танишини, «Қарши» меҳмонхонасида танишиб қолганлигини, «жой керак бўлса меҳмонхонадан топилмаса уйимдан фойдаланишинг мумкин» деганини, 2 ойдан буён уни кўрмаганини, марҳума ўлдирилган кун Нишон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бирлашмасига хизмат сафарига кетганлигини, Қарши шаҳрига қоронғу тушганда келганини билдирди.

Рўзиев Музаффарнинг келтирган важи текшириб кўрилганда, ўша куни ҳақиқатдан хизмат сафарида бўлганлиги тасдиқланди. Яна савол туғилди. Музаффарнинг сафарга кетгани икки томондан ҳам тасдиқланаяпти. Бола адашганмикан ёки расм нотўғримми?

Музаффарга ўхшаб кийинган 3 киши болага таниб олиш учун кўрсатилди. Бола улар орасидан Музаффарни таниб олди.

Шундан сўнг Музаффар икки ойдан буён кўрмаганман, дегани ёлғонлиги билиниб қолди. Эндиги муаммо уни ўша куни сафарда бўлганлигини аниқлаш эди. Марҳума соат 10.00-13.00лар оралиғида ўлдирилган, Музаффар Нишонга қачон етиб борган? Бу савол ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди.

Текширишлар натижаси Музаффар Рўзиевнинг соат 14.00да Нишонга етиб борганини кўрсатди. Шундан сўнггина далиллар қаршисида эсанкираб қолган гумондор тилга кирди.

****

Музаффар «2 хонали уй сотилади», деб ёзилган эълонни ўқиб, Розанинг уй олмоқчи эканлигини эслади ва унинг ишончига кириб, долларларини қаерга қўйишини билиб олмоқчи бўлди.

Роза озроқ пул эвазига бирор аёлни уйига бошлаб борса унга уйини топшириб қўярди. У унинг уйида жазманлари билан бемалол маишат қилар эди. Розанинг ўзи бир сутка , қизи эса кун бўйи ишда бўларди. Шундай пайтларда икки хонали бу уй унинг ихтиёрида эди. Баъзан «қариб қуюлмаётган» Роза билан «донлашиб» юрарди.

Терговчининг саволларига жавоб бераркан, Музаффар ўша куни гулдек бағрига босган аёл энди йўқлигини ҳис этди. Ҳаёт бир-икки ой орқага қайтса-ю, мен шу қотилликни қилмаган бўлсам, дея ўйларди. Ўша куни Розани ҳар дамгидан кўпроқ эркалади. Ювиниш учун кириб кетган Музаффар Роза учун сочиқдан сиртмоқ тайёрлади. Роза тикув машинасининг ичидан 1500 АҚШ долларини олди ва Музаффарнинг ваннадан чиқишини кутиб креслога ўтирди. Шу лаҳза Музаффар орқадан келиб, аёлнинг титраб турган жонига човут солди.

Долларни олиб, жиноят изини чалкаштириш учун шкаф тахламларини ўгри киргандек қилиб, титиб ташлади. Бармоқ изларини йўқотиш мақсадида ўзи ушлаган пиёла, ликопча, эшик тутқичларини артиб тозалади. Рахееванинг калитини олиб, қулфлади ва 100 метрча юриб калитни отиб юборди. Сўнгра ўша куни сафарда эдим, дейиш учун Нишонга кетди. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади. Мендан гумон қилинмайди, деб ишонган бу қотил барча жиноятчилар қатори янглишган эди. Ахир халқимиз қинғир ишнинг қийиғи чиқади, деб бежиз айтмаган.

Роза Рахееванинг ўлимига сабабчи бўлган ва унинг жазманини жазавага солиб қотилликка ундаган пул эди.

Мурод СУВОНОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи.

ДЕТЕКТАРИХДА

12-18 июль

1815 йил 15 июль. Шу куни француз императори Наполеон маҳбус сифатида Елена оролига келтирилди. Мағлуб бўлган собиқ император Наполеон Бонапарт ушбу оролга сургун қилинган чоғида ҳам бошқалардан ўзининг ҳайратланарли даражадаги соғлиги, дадиллиги билан ажралиб турар эди. Лекин сургуннинг 6 - йили Наполеон соғлигига путур ета бошлади ва 1921 йилда у вафот этди. Собиқ император ҳаётлиги чоғида уни заҳарлашлари мумкинлиги ҳақида доим хавфсираб юрар эди. У бунда кўпроқ инглизлардан гумон қиларди. Чунки айнан инглизлар Наполеон сақланаётган Муқаддас Елена ороли янги Эльба бўлишидан чўчир эдилар. Маълумки, Наполеон Эльбадалик пайтида 100 кун давом этган иккинчи императорлигини тиклаган эди.

***

1841 йил 15 июль. Кеч соат 7 лар атрофида таниқли шоир Михаил Лермонтов дуэлда отиб ўлдирилди. Ўқнинг юраги ва ўпкасини тешиб ўтган эди.

Шоирнинг ўлими дуэлдаги ҳалол отишма натижасими ёки... Мана шу савол ҳали ҳам очиқ қолмоқда. Агарда ўша пайтда бу иш Николай I томонидан шошилинч тугатилмаганида эди, воқеага аниқлик киритилган бўлармиди, балки. Ҳарбий суд тўрт кунга чўзилди, лекин расмиятчиликдан ташқари чиқаолмади. Лермонтов ўлими сирлилигича қолиб кетди.

***

1945 йил 16 июль. Аламо-Гордода (АҚШ) биринчи атом бомбаси синалган кун. «Туғруқ муваффақиятли ўтди» — президент Трумэнга АҚШ ҳарбий вазири олдиндан келишилган шундай ибора билан бу ҳақда хабар берган эди.

Шу куни атом шантажлари, босимлари, қутқулари билан боғлиқ янги давр бошланган эди...

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

ПОЙДЕВОР БЎЛМАСА ДЕВОР ОМОНАТ

Токи ер юзида ҳаёт давом этар экан, инсонлар бахтга, толега, саодатли кунларга интилиб яшайверади. Айниқса, бизнинг халқимиз болаларини бахтли кўриш учун жонини жабборга бериб интилади. Хўш, фарзандинг бахти нимада? Нима қилсак у шоду ҳуррамликда яшайди? Ота-она бутун умр мана шу саволларга жавоб излаб яшайди. Бунинг учун хатто ривоятда айтилганидек, ўз юрагини ҳам ҳадя қилади. Бироқ гоҳ-гоҳида ота-оналар ҳам янглишади. Ўз қўллари билан болаларини бахтсизлик измига топшириб қўядилар. Бундай воқеалар айниқса, йигит-қизларнинг бошини бириктиришда кўп юз беради.

Албатта, оила қуриш, фарзандли бўлиш ҳамманинг орзуси. Аммо бу орзуга эришишнинг ҳам йўллари кўп. Кимлардир севишиб синашиб оила қурса, кимлардир ота-она ихтиёрига кўнади. Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»га биноан йигитларимиз 18, қизларимиз 17 ёшдан кейин оила қуришлари мумкин. Ҳаёт ҳеч қачон бир изнда, инсонлар ҳеч қачон бир хил шаклда бўлмаганлиги боис бу қоидага амал қилмайдиганлар ҳам топилиб туради. Қонунларимиз ҳам бу ҳолни назардан четлаб ўтмаган. Агар жиддий сабаблар ёки бошқа бир алоҳида ҳолатлар кўрсатилиб, никоҳ тузишни илтимос қилиб қолишса туман, шаҳар ҳокимлиги томонидан кўпи билан белгиланган ёшдан бир йил олдин турмуш қуришга рухсат берилади. Барибир қизларни эрта турмушга бериш кўпинча салбий оқибатларга олиб келишини ҳаёт исботламоқда.

- Опажон, мени эрим уриб-уриб ҳайдаб юборди, - деди таҳририятимизга кўзда ёш билан кириб келган Мафтуна исмли қизалоқ.

Қизалоққа қараб ҳайрон қолдим. Ёши нари борса ўн еттида.

- Нима гап ўтган эди? - сўрадим секингина.

- Тўйимизга бир йилдан ошди. Ҳали ҳам бўйимда бўлмади, - қизалоқ уялиб ерга қарайди. - Эрим менга туғмайдиган хотин керакмас, деди.

- Ахир ўзингиз боласиз-ку, - юпатмоқчи бўлдим уни.

- Барибир-да, - йиғлайди у. - Энди уйимга қандай қайтиб бораман...

Ўксиниб кетдим. Ахир бундай муаммога биринчи дуч келишим эмас. Лекин нима қилиш керак? Кимни айблай? Қизини эрта эрга берган ота-онасинними, куёвтўранимиз? Нима, қизалоқ ҳали вояга етмаганлигини, оқибат яхши бўлмаслигини билишмасмиди? Ахир кичкинагина жуссаси билан Мафтуна қандай қилиб соғлом бола кўради?

Дилфуза ҳам ўн олти ёшга тўлмасдан эрга тегди, ҳатто фарзандли ҳам бўлди. Бироқ бола кўриш жараёнида у ногирон бўлиб қолди.

Замира деган яна бир ўн олти яшар қизалоқ нон ёпишни ҳеч ҳам ўрганолмаётганлигини, қайнонасидан ҳадеб дакки эшитишини йиғлаб-йиғлаб ҳикоя қилади.

Уларга қўлимиздан келганича қонун доирасида ёрдам берамиз. Бошқаларга сабоқ бўлсин дея воқеалар айбдорлари жазоларга тортиладилар. Бироқ юрагимдаги санчиқ тўхтамайди. Нега бундай бўлмоқда, деган савол воқеалар илдизини жиддий ўрганишга ундайди. Сабаблар у қадар жиддий эмас. Кўпинча кишиларнинг нотўғри фикрлашлари, кўр-кўроналик билан орзу-ҳавасга берилишлари бундай ҳолатларга олиб келади. Одатда ота-она қизларини иснодга қолишидан қўрқиб, гоҳида эса ичмайдиган, чекмайдиган соддагина куёв учраб қолса, уни қўлдан бой бериб қўйишдан чўчиб, қизларини вақтлироқ бўлса ҳам турмушга узатишга ҳаракат қилишади.

Оила - жамиятнинг бир негизи. Шундай экан, оила қуриш жараёнида ҳар томонлама ақл-идрок билан муносабатда бўлиш ҳаммамиздан талаб қилинадиган ҳақиқатдир. Ёшларимиз вояга етмасдан оила қуриб кетаётган экан, бунга нафақат улар, ота-оналари, балки таълим-тарбия муассасалари, маҳалла-куй ҳам айбдор. Биз бугунни эмас, эртани, индинни кўзлаб яшашимиз керак. Қолаверса, токи оилани девор деб биладиган бўлсак, бу оилани қуришдан олдин унинг пойдеворини мустаҳкамлаш жоиз.

Муқаддас ИСМОИЛОВА,
журналист

Ҳурматли ўқувчилар

Азизим Юлдуз Раззоқова!

Сизни 18 ёшга тўлганлигингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга мусаффо қалб, баҳорий гўзаллик ёр бўлишини истайман. Ўқиш ва ишларингизда омад ёр бўлсин!

Сизни ҳамиша ардоқловчи

Музаффар РАМАЗОНОВ,
Термиз шаҳри,
ҳарбий хизматчи



Тўрткўл тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори, ҳурматли Икромбек Сержанов!

Сизни яқинлашиб келаётган таваллуд кунингиз - 40 ёшга тўлишингиз билан чин кўнгилдан муборакбод этамиз. Эл-юрт осойишталигини, ҳуқуқ-тартиботни сақлашдаги иш фаолиятингизда муваффақиятлар, мустаҳкам ирода ва соғлиқ тилаймиз.

Тўрткўл тумани
ИИБ жамоаси



Ҳурматли синглимиз Дилноза ЮСУПОВА !


Сизни умрингизнинг баҳори - 18 ёшга тўлганлигингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга бахт - саодат, ўқиш ва ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз. Ҳамиша гулдай очилиб юринг деб дугоналарингиз номидан

Ҳаётхон опангиз,
Тошкент шаҳри.



КРОССВОРД

Ушбу бошқотирмадаги жавоб сўзларининг ҳаммаси К ҳарфидан бошланиб К ҳарфи билан тугайди.



1. Нафис ҳашорат. 2. Меҳнат анжоми. 3. Танлов, мусобақа. 4. Осмон, само ёки ранг. 5. Табиат ҳодисаси. 6. Кеч куз. 7. Ёрдам, мадад. 8. Икки соҳилни боғловчи йўл. 9. Спиртли ичимлик тури. 10. Ҳажвий образларни ижро этувчи актёр. 11. Ҳандасавий шакл. 12. Дашт ўсимлиги. 13. Ҳашам, салобат. 14. «Қизил китоб»га киритилган, асосан тоғ ва даштларда учрайдиган ёввойи парранда. 15. Ундан ҳам баъзан ўт чиқиб туради. 16. Итнинг кичиги. 17. Чўл ўсимлиги. 18. Уй паррандаси учун мўлжалланган «турар - жой». 19. Тана қисми. 20. Ер юзини уч карра айланиб чиққан дунёга машҳур саёҳатчи. 21. Гуруч усиз бўлмайди. 22. АҚШда ишлаб чиқариладиган автомобиль. 23. Зарур, лозим, ... 24. Зотсиз ит. 25. Фотоаппарат маркаси. 26. Судралиб юрувчи ҳайвон. 27. Тўп. 28. Ҳоким ҳолвани ейди, уни эса етим ейди. 29. Инсон аъзоси. 30. Араз, гина. 31. Янги келин. 32. Оҳу. 33. Чорва озуқаси. 34. Шоирлар уни пайконга ўхшатишади.

Тузувчи: Ш. МАҲМУДОВ

Газетанинг ўтган сонида берилган кроссворд жавоблари:

1.Африка. 2.Акула. 3.Ашула. 4.Ака. 5.Алабама. 6.Амазонка. 7.Ана. 8.Афродита. 9.Арра. 10.Алла 11.Ара. 12.Афина. 12.Ашина. 14.Агата. 15.Ажина. 16.Асака. 17.Андорра. 18.Акбара. 19.Адилаида. 20.Агама. 21.Аляска. 22.Афшона. 23.Антенна. 24.Аргентина. 25.Агра. 26.Арена.

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

«Титаник»да саёҳатга чиққан одамхўр кемадаги ошхонага келди.Унга таомномани тутқазар экан, официант сўради:

-Нима буюрасиз, жаноб?

Таомномага кўз югуртириб чиққан одамхўр уни официантга қайтариб бериб деди:

- Яхшиси, менга пассажирлар рўйхатини беракўлинг...

***

Бой отанинг уч ўғли бор эди. Улар дала ҳовлига боришди.Боққа чиқишди. Боғда ҳаскашга кўзлари тушди. Биринчи бўлиб катта ўғил ҳаскашнинг устига чиқди. Ҳаскашнинг сопи келиб пешонасига тегди. Ундан кейин иккинчи ўғил чиқди, унинг ҳам пешонаси ёрилди. Навбат учинчи ўғилга. У ҳам ҳаскашнинг устига чиқди... Қиладиган иш бўлмаса, нимадир қилиш керак-ку, ахир.

***

Прокурор айблов хулосасини ўқияпти:

- Судланувчи ўта моҳирлик ва қатъият билан жиноят содир этган. Содир этган жинояти унинг ниҳоятда фантазияси кучли эканлигидан далолат бериб турибди...

Судланувчи:

- Мақтаб овора бўлманглар, барибир айбимга иқрор бўлмайман.

***

Эълон!

15-уй подвалида кикбоксинг сёкцияси очилди. Машғулотга келувчилардан ўзлари билан кроссовка, йод, гипс, спорт костюми ва замбил олиб келишлари сўралади.